



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2012-yil 2-noyabr • №44 (4183)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига

ХАЁТБАХШ ТАМОЙИЛАР

Халқнинг беназир қадриятлари, эзгу орзу-умидлари барчани буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради, куч-қудрат, теран фикр бахш этади, нурули келажак сари етаклайди. Ана шундай қадриятларимиздан бири — Конституциямизнинг қутлуғ йигирма йиллигини нишонлаш арафасида туримиз.

“Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ҳоқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунигини тан олган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади”, — дейилади Асосий қонунимиз муқаддимасида.

Конституциямизнинг олий мақсадини ифодалаган ушбу ҳоқларнинг ҳаётбахш самарасини бугун барчамиз кўриб, ҳис этиб туримиз. Тафаккур ва дунёқарашимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, осойишта ва фаровон ҳаётимиз, улкан бунёдкорлик, юксалишу изланишларимизга халқимиз иродаси, тафаккури ила қабул қилинган Конституциямиз мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Тарихга назар ташласак, ривожланган

давлатлар ўз тараққиётининг ибтидосида, энг аввало, буюк конституцияларни яратганлар. Французлар ёки америкаликларни олинг. Уларнинг конституциялари эркинлик, мустақиллик ва демократия йўлидаги қурашларда тоблани, мустаҳкамланди. Муҳими, дунёдаги аксарият давлатларнинг конституциялари учун асос вазифасини ўтади. Шубҳасиз, Ўзбекистон Конституциясига ҳам миллий қадриятларимиз билан бир қаторда, умум эътироф этилган халқаро андозалар руҳи сингдирилди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ҳоқси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясини қабул қилиш жараёнида илгари сурилган. Уша кун Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида декларациядаги муҳим тамойиллар асосида янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

1991 йил 12 апрелда Конституциявий комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Конституция лойиҳасини яратиш билан боғлиқ ташкилий, илмий-иждоий жараёни мувофиқлаштириб бориш учун комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мажлисда комиссия раиси Ислам Каримов ишчи гуруҳи олдида қуйидаги вазифалар-

ни қўйди: “конституциявий ривожланишнинг ҳақон тажрибаси ўрганиб чиқилсин; бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин; халқ дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий-юридик ҳужжатлар яратилсин”.

Конституциявий комиссия Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Хиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария ва Литва конституцияларини чуқур ўрганди, қиёсий таҳлил этди.

Пухта ишланган лойиҳа икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Унда 6 мингдан ортиқ тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Муҳими, улар Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳиятини янада бойитди. Ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи ҳақиқий Олий Кенгашнинг XI сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида”ги масала қўрилди ва у яқдиллик билан қабул қилинди. Президентимиз Ислам Каримов шу сессияда сўзлаган нутқида, жумладан, бундай деган эди: “Хўр Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир. Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллиятни миллият қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар... Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий ҳоқсига кўра янги ҳужжатдир. Жамии дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқаро — жамият — давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топшга интилдик”.

Давоми иккинчи саҳифада.



“Ипак йўлидаги туризм” халқаро сайёҳлик ярмаркасида. Аъло АДЎЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

БҮЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ САЙЁҲЛИК

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”да “Ипак йўлидаги туризм” деб номланган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Тадбир “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буюк ипак йўли” реклама агентлиги томонидан ташкил этилди. Сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатимиз қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетақдор қадриятлари ва аъналари билан ҳақон сайёҳларини тобора ўзига кўпроқ жалб этмоқда.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етак-

чи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг ҳақон мероси дурдоналари рўйхатида киритилган. Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик юртимизга келатган сайёҳлар оқими янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЖЕНИСБЕКНИНГ ЯНГИ ЮТУҒИ

Истеъдодли хонанда Женисбек Пиязовнинг номини бугун юртимиздагина эмас, чет элларда ҳам яқши биладилар. Дастлаб республика танловларида ғолибликни қўлга киритган хонанда 2007 йили ёш истеъдодлар учун таъсис этилган “Нихол” мукофотида сазовор бўлди.

Устозлар кўмаги ва изланишлари эвазига ҳақон классикаси дурдоналари — Моцарт, Верди, Россини асарларини катта маҳорат билан қўйлаётган хонанданинг чиқшлари Испания, Франция, Малайзия, Португалия каби давлатларнинг нуфузли концерт залларида муҳлислар олқишига сазовор бўлган.

Ёш ижрочининг санъатда қўлга киритаётган ютуқлари муносиб баҳоланиб 2010 йили Ж.Пиязов “Шуҳрат” медалига сазовор бўлди.

Кўни-кеча Женисбек Пиязов ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Муслим Магомаев номидаги халқаро вокалчилар танловида қатнашиб, бош соврин Гран-прини қўлга киритди. АҚШ, Озарбайжон, Беларусия, Германия, Россия, Грузия, Украина каби мамлакатлардан келган 200 иштирокчи орасида ҳамюртимиз энг кўп бал тўплашга муваффақ бўлди.

Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА

КУЗ

Оёқлади октябр аста,
Жунжитади кечки салқинлар,
Уфқдан баланд, қуёшдан пастда
Қиялайди сарғиш ёлқинлар.

Кундан-кунга қораяр ирмоқ,
Совуқ томар олис қолдуздан.
Ерни қучар заъфарон япроқ
Умидини узиб илдиздан.

Қамишлар ҳам ўхшайди мастга
Ўзгартириб ёзи рангини.
Ўт-ўланлар айланар хасга
Кўтаролмай ранглар жангини.

Абдулла ШЕР

ОҒОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ ФИЛМ

«Ўзбеккино» миллий агентлиги «Ватан» киностудиясининг «Тубанлик» филми республикамиз маданий ҳаётида жиддий воқеа бўлди. Сценарий муаллифи ва режиссёри Хилол Насимовнинг бундан аввалги филмидаги («Алданган аёл») долзарб мавзу «Тубанлик» картинасида янгича талқин этилди, десак янглишмаймиз. Зотан, бу филмда ҳам мусулмончилик аҳқомларини янглиш, кўр-кўрона идрок этиш, маънан ва қалбан маҳдудлик иллатлари таъсирчан лавҳаларда фош этилади.

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га
2013 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг алоқа бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Хурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, иждоий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.



УСТОЗ ИЖОДКОРЛАРНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек болалар адабиётининг атоқли номойнадалари Зафар Диёр ва Шукур Саъдулла таваллуудларининг 100 йиллигига бағишланган хотира-илмий анжуманида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, институти илмий ходимлари, марҳум шоирларнинг фарзандлари иштирок этишди. Институти директори Низомиддин Маҳмудов болалар адабиётида ёрқин из қолдирган устоз шоирларнинг ижоди истиқлол даврида ҳам эскирмай, мурғак қалбларда эл-юрт, ота-онага муҳаббат, садоқат туйғуларини тарбиялаётганини таъкидлади. Профессор Н.Каримов ўзбек болалар адабиётининг шаклланишида Зафар Диёр ва Шукур Саъдулла ижодининг ўрни, болалар адабиётининг тараққиёт тамойиллари, филология фанлари номзоди Р.Баракаев атоқли шоирлар ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида маъруза қилдилар. Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти кенгашининг маъсул котиби Турсунбой Адашбоев устозлари ҳақидаги илиқ хотираларини сўзлаб, уларга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Б.ФАЗЛИДИНОВ

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 7 ноябр чоршанба кўни соат 15.00 да Ёзувчилар уюшмасида “Онажоним — шеъринг” тўғарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Машғулотта барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Манзил: “Ўзбекистон” кўчаси, 16 А уй, 6-қават.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.



Бошланиши биринчи саҳифада.

Конституция Юрбошимиз томонидан янги давлат, янги жамият қуришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида қатъият ва шижоат билан олиб борилган курашнинг самараси бўлди. Унда «Мустақиллик декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда мустақамланган тамойиллар, гоёлар янада ривожлантирилди. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз бошчилигида тамомла янги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи чинакам Конституция яратилди.

Конституциямиз асосида қабул қилинаётган ҳар бир қонун мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоялашга, давлатимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлашга хизмат қилаётган. Зеро, Асосий қонунимизда инсон,

туция қотиб қолган, кўр-кўрона амал қилинадиган ақида эмас, балки халқ манфаатларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ақс эттириб, мутасил ривожланиб борадиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Шу боис ҳам унинг ҳаётбахш тамойилларини болаликдан оқ фуқаролар онгига, шу урига синдириш зарур. Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтириш, шунингдек, конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида давлатимиз раҳба-

ҲАЁТБАХШ ТАМОЙИЛЛАР

ри томонидан 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш

латлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда «2002–2010-йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури» шулар жумласидан.

Конституциямизнинг 42-моддасида «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» деган тамойил мустақамлаб қўйилган. Бу ҳам мамлакатимизда тараққиётнинг асосий манбаи бўлмиш инсон тафаккури, ақли ва ижодида бўлган эътибор нақадар юксак эканлигидан дарак беради. Халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг бекиёс ўрни, таъсири ва аҳамиятини инобатга олиб, адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси қошида «Ижод» жамоат фондидан ташкил этилганини ана шу нуқтаи назардан баҳолаш ўринли бўлади. Зеро, мазкур фонднинг саъй-ҳаракатлари билан бугун ёшлар ўртасида турли ижодий курик-танловлар ташкил этиш, иқтидорли ёшларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси томонидан тасвир этилаётган ижод намуналарини, жумладан, илк китобларини нашр этиш учун мо-

лиявий ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий аъёна ва қадриятлари тарафидан этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти тарафидан бадиий ифодасини топган асарларни хорижий тилларга таржима қилиш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Асосий қонунимиздаги иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини, ҳусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва устувор бўлиб, давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган нормалар ҳаётга самарали татбиқ этилиши туфайли мамлакатимиз тарихан қисқа муддат ичида улкан иқтисодий муваффақиятларга эришди.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни сақлаш ҳамда мустақамлаш истиқлол йилларида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу Конституциямизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш борасидаги принципларга қатъий риоя этилаётганининг самарасидир.

Асосий қонунимиз осида ҳаёт, тинчлик ва тараққиётимиз хизматида. Бироқ Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқароннинг қалбига, руҳиятига синдириш учун янада кўпроқ ишларни амалга ошириш зарур. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятига юксак ҳуқуқий онг ва маданиятсиз эришиб бўлмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, Асосий қонун фуқароларга ҳуқуқ бериш билан бирга уларнинг зиммасига бурч ва масъулият ҳам юклайди. У порлоқ келажак сари интилаётган халқимиз учун то маънодаги дастуриламалдир. Конституция асосида амалга оширилаётган ўзгаришлар юртимизнинг нафакат бугунги, балки эртанги барқарор тараққиёти марраларини белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонгир НАҲАНОВ,
ёзувчи

БУЮК ИПАК ЙўЛИДАГИ САЙЁҲЛИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланаётган. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгиликлар барпо этилаётгани соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилмоқда. «Ўзбектуризм» компанияси маълумотига кўра, 2011 йилда мамлакатимизда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми 8,3 фоиз ошган. 124 сайёҳлик корхонаси ва 55 меҳмонхона ишга туширилган. Бугун мамлакатимизда 865 сайёҳлик ташкилоти ва 359 меҳмонхона фаолият олиб бормоқда.

Сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний сайёҳат каби турлари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанги спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. Ички туризмни ривожлантириш, ҳудудларда тарихий-археологик ёдгору барпо этиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сайёҳлик объектлари атрофида меҳмонларга замонавий сервис хизмати кўрсатишда ҳусусий сектор фаоллик кўрсатмоқда.

Сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. 2011 йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Ўзбекистон 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши аъзолигига сайланган. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини мутасил юксалтиришда, Буюк ипак йўли маданий меросини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навбатдаги Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан

кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришдан иборат. Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, экотуризм ва спорт туризмига оид фотозэкспозициялар ярмарка қатнашчиларида катта таассурот уйғотмоқда.

Кўргазманинг асосий бўлимларида саёҳатлар, дам олишнинг ёзги турлари, мавсумий дам, бизнес-турлари ва иш бўйича сафарлар, болалар учун дам, даволаш-соғломлаштириш масканлари, оммавий-ахборот воситалари, туризм ҳамда меҳмондўстлик соҳаси бўйича касб йўналишлари ҳақида маълумот олиш мумкин.

«Аму тўлкини», «Мардона», «Наманган ёр-ёри», «Қўқон ёр-ёри», «Жайхун», «Чирокчи чироклари», «Зомин сайқали», «Сайқал», «Карман юлдузлари» фольклор-этнографик халқ ансамбллари ва чирокчи ташкилоти билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. 2011 йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Ўзбекистон 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши аъзолигига сайланган. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини мутасил юксалтиришда, Буюк ипак йўли маданий меросини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Навбатдаги Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан

Мамлакатимизда сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорликка оид қатор битимлар имзолалиши кўзда тутилган.

Журналларни варақлаганда

“ТАФАККУР”.

2012 йил, 4-сон

Журналнинг шу йилги охириги сони адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулнинг «Нима дейсиз, замондош» руқнидаги «Кимки беишқ илму дониш истагай...» сарлавҳали суҳбати билан бошланган. Муаллиф Навоий ижоди ҳар бир кўнгилнинг мулкига айланиб кетиши учун зарур жиҳатлар ҳақида тўхталиб, Навоий ижодидаги ижтимоий-маънавий эҳтиёж, дунёқараш, руҳий ҳолат ва эстетик идеал жиҳатидан XX асрдаги реалистик адабиётдан кескин фарқланишини таъкидлайди ва Навоийда шахс камолининг бир қаноти башарийлик эканлигига урғу беради.

Таниқли шоира Нодира Афоқованинг «Сурат ва сийрат» руқнидаги «Ботиндаги илоҳий ҳакам» мақоласи сўз санъатининг асл моҳиятидан баҳс этади. Муаллиф «Диёнат» романи қаҳрамони Нормурод Шомуродов характери таҳлил этиш жараёнида адабиёт, ҳаёт ва китобхон диалектикаси жумбоқларига жавоб излайди. «Мени ўйга солган масала шуки, нега биз маълум бир хатти-ҳаракат ёки характерни китобдаги образларда кўрсак, маъқуллаймиз-у, ҳаётда худди шу хатти-ҳаракат, характерларга дуч келсак, унга бошқача муносабатда бўламиз? — деб ёзади Н.Афоқова. — Китобдаги воқеликни асл инсоний, ахлоқий меъёрлар билан баҳолашга етган ақлимиз ҳаётини воқелик қаршида журъатини йўқотиб, уни бошқа меъёрлар билан ўлчаб бошлайди... Нега китоб қаҳрамонларига ҳамдардлик қилган қалбимиз реал воқелик ўлчовида бошқа хил тарози тутайди?». Муаллиф бу саволларга ўзидан шундай жавоб топади: «Сўз санъати шундай ҳодисаки, у эътиқад ақл эгаси ҳаётини турмушдаги оддий муҳокама ва ҳулосаларимиздан бир поғона юқориқ кўтарилиб, ҳақиқий инсоний идеаллар юксалигидан туриб баҳолашга мажбур қилади... Агар ботинимиздаги илоҳий ҳакам имкониятланишга қилиб кетмай, унинг ўзини рўёбга чиқарсак, рўйи заминдаги не-не ҳолат ва ҳодисалар яхшилик сарҳадлари томонга ўзгариб кетармиди?..».

«Янги аср муаммолари» руқнидаги Абдор Усуповнинг «Иккинчи тўфон» мақоласи «Нух тўфони»дан ҳам кучлироқ вайронгарчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган замонавий ахборот технологиялари ҳусусида баҳс этади. «Ахлоқийлик меҳвари» мақоласи муаллифи Хуршид Йўлдошев дин билан ахлоқ, диндорлик билан ахлоқийлик ўртасидаги муносабат мавзусига эътиборни қаратади.

«Тафаккур» мухлислари ушбу сонда Иброҳим Фафуровнинг «Оқ дафтар» сарлавҳали мансуралари, Суҳбат Афлотунининг «Гумроқлар» ҳикояси, Мансурхон Тоировнинг «Тарих сабоқлари» руқнидаги «Дукчи эшон ва Николай Иккинчи» мақоласи, «Жавондаги жа-вохир» руқнида Хуршид Давроннинг ўзи муталаа қилаётган китоблар ҳақидаги «Мувоzanат йўли» сарлавҳали қайдлари билан танишишлари мумкин. «Миллат ва маънавият», «Ҳазина», «Талқин ва тадқиқотлар» руқлари остида ҳам сермазмун мақола ва тадқиқотлар эълон қилинган.

Кўпни кўрган отахону онахонларимиз «Икки қалбнинг орзу-интилишлари бир мақсадга қаратилса, эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат, аҳлилик бўлса, бундай онага ёмонлик йўламайди», дейди. Дарҳақиқат, она кўрғонининг икки устун бор. Мана шу устунлардан бири — аёнинг онада тутган ўрнидир. Буни унча-бунча сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уй-рўзгор тутумида уздабуронлик, фарзанд тарбиясида масъуллиқ, яхши-ёмон дамларида умр йўлдошига суяниш бўлиш она равнақининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Кўккон шахрига борганимда ҳокимликдаги танишимдан Орифхон ва Зебиҳон Ҳақимовалар оиласи ҳақида эшитиб, кўнглимда шу оила билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Сўраб-суриштиришга ҳожат қолмади. Қиялисий мавзегига бориб Орифхоннинг уйини қийналмасдан топдим. Қўштабақали дарвозани очиб чехрала аёл очиб, тавозе ила салом берди. Айвон рўпарасидаги эшикдан хонага киргач, тўрдаги кроватда Орифхонни кўрдим. Унинг юзига табассум югуриб, адрас кўрпачага ўтиришга ундади. Салом-алиқдан сўнг суҳбатимиз қизди. Шу аснода нозиккина, популдай қиз пахта гулли чойнақча чой қўтариб кирди...

— Ҳарбий хизматдан келиб ўйландим, — дея олис ҳикоясини бошлади Орифхон. — Отам эрта оламдан ўтган, онамнинг соғлиги жойида эмасди. Бир қиз ва икки ўғилли бўлди. Аммо умри қисқа экан, хотиним қазо қилди. Кўп ўтмай, онам вафот этди. Бу пайтда мен, бир йилча аввал тракторим ағанаб кетиб, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолгандим. Хайрат, маҳалла-қўй, қўни-қўшилар бор экан, қўнимизга яраб турди. Мен бир жойда ётаман, Шарофат қизим олтига тўлган, Собирхон тўрт ёшда, Гофурхон саккиз ойлик. Нима қилишмни билмайман. Ўшанда кимдир болаларни интернетга топширишни маслаҳат берди. Ён қўшим Мўйдинжон ака елиб-югуриб, турли идораларга кириб, ҳужжатларни тўғрилади.

Хуллас, фарзандлардан бирини Ангрендаги болалар уйига, бирини Чирчикдаги меҳрибонлик уйига, бирини эса Жиззахга жўнатадиган, сўнг мени ҳам Охангарондаги қариялар уйига жойлаштирадиган бўлишди. Кечга томон ўғлим Собирхонни боғчадан

МЕҲР ЎЧОҒИ

бир аёл олиб келди. Мен бу аёлни аввал кўрмаган эканман, биздан икки маҳалла нарида тураркан. Суҳбат асосида у бошимга тушган қўғуриқлардан ҳам, фарзандларим меҳрибонлик уйига юборилаётганидан ҳам бохабар экани маълум бўлди. Ўзининг айтишича, илгари турмушга чиққан экан-у, нимадир сабаб бўлиб эри оламдан ўтибди. Кейин ҳаётда кўп қийинчилик қўрибди. Унинг жонини ҳам ёлғизлик эгзавлаётган экан.

— Мана шу норасидалар қаерлардадир қилиб, оиланинг пароканда бўлишини хоҳламайман, — деди у. — У ёғини сўрасангиз, етимликнинг аччиқ ошлари ҳали менинг ҳам тоғимдан кетгани йўқ.

— Зебиҳон, — дедим унга. — Ўзинг биласан, мендай ногирон одам, бунинг устига ҳали вояга етмаган уч бола билан ҳаётинг азобда қолмасмикан...

Хуллас, Зебиҳон билан маслаҳатни бир жойга қўйдик. У болаларимни интернетга юборгани қўймади. Эртасига қўч-қўронини олиб келиб, уйимизни бутлай кетди. Қўни-қўшилар хурсанд, шу қўни бир лағанда ош қилиб, никоҳ ўқитди. Болалар ҳам тезда унга ўрганиб қолишди. Зебиҳон жуда меҳнаткаш чиқиб қолди. Болаларни оқ ювиб, оқ тарайди. Эрталаб бирини боғчага, бирини яслига, бирини мактабга олиб боради. Томорқага ҳам ўзи қарайди. Орада менинг ташвишларим... Ўша пайтларда ҳатто бошимни ҳам кўтара олмасдим. Томорқага қўқатлар экиб, яқинимиздаги бозорчада сота бошлади. Тез орада сигирли бўлди. Болалар учун сут-

қатик, ёғ ўзимиздан чиқадиган бўлди. Қисқаси, Зебиҳоннинг меҳри, жонқурлиги оиламиз бутунлигини асраб қолди. Маҳалладошларимизнинг эътибори, ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги боис оиламиз кўргони мустаҳкам.

Мен Орифхоннинг гапларини эшитяпману, даҳлизда Зебиҳоннинг кўзларидан ёш оқаётганига нигоҳим тушди.

Оила — эн-юрт таянчи

нан баркамол қилиб улғайтиришга аҳд қилгандир. Янада қўварлариси, Зебиҳоннинг ёрдами билан Орифхон ҳам оёққа туриб, аста-секин юрадиган бўлибди.

— Билмадим, шу аёл бўлмаганида оиламизнинг, болаларимнинг аҳволи нима кечарди?! Ундан умрбод қарздорман, ахир бир аёл меҳри, фидойилиги шунчалик бўлади-да, — деди Орифхон кўзлари намланиб.


Улар билан хайрлашаётиб, газета учун Зебиҳондан битта суратини сўрадим.

— Йўқ, одамлар нотўғри тушунади, ўзини кўрсатмоқчи, мактанмоқчи, дейишади. Болаларимнинг келажаги, мана шу бахтли оиламизнинг шўқуҳи — менинг суратим, — деди Зебиҳон.

Шу пайт уч бола «Ойижон, ойижон», деб чопқиллаб келишди. Бейхитёр ёдимга машхур шоиримизнинг қуйидаги сатрлари тушди:

Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл!

Мўмин ҚАЮМ



Кувонч. Фототўд

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Уч ўғил ва бир қиз қиссаси” номи асари бор. Шоирнинг “Сайланма”-сида унинг эгаллаган жойи атиги икки ярим саҳифа бўлса-да, мазмун чуқур. Бу асар китобхонни ҳайратга соладиган воқеа асосига қурилган: отанинг жанозаси пайтида уч ўғил падарнинг қиёмат қарзини гарданига олишмайди. Бўйга етмаган қиз эса, акаларим тўламаса, мана мен тўлайман, деб отилиб чиқади. Акаларнинг номардлиги-ю сингилчанинг жўмардлиги маросимда ҳозир бўлганлар қалбини ларзага солади.

Асар ҳам мазмунан, ҳам шаклан азалдан ёшларга сабоқ хизматини ўтаб келадиган эртақ-ривоятларга ўхшаб кетади. Қисқа, лўнда мисраларга “кампиридан ёдгор” қолган фарзандларнинг тақдири ҳақида Мўмин чолнинг қайғуришлари, уларни деб умрини сарфлаши, ҳатто кенжасини уйлаш учун бошини эгиб қарз кўтариши, аммо ота кўз юмганда ўғиллар унинг қиёмат қарзини гарданларига олмасликлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Қизнинг тутган йўли эса (гарчанд Мўмин чол қизи тўғри-сида “Қиз эртага эгаси / Олиб кетар қўлдай гап”, деб уйлаган бўлса-да) акаларга тарсаки.

Ўғилларни халқ маҳалладан ҳайдайди. Қиз эса:

**Қиз-чи, дерсиз, қиз ҳаёт,
Яшар ота маконда.
Чунки унга муносиб
Йигит йўқ бу жаҳонда!**

Йигитлар-чи:

**Уч паҳлавон уч пари
Пайкарга кул эдилар...**

Бу кичик қиссада эпик асарларга хос сюжет экспозициясидан тортиб эпилоггача мавжуд. Муаллиф бир-икки чизги билан персонаж ички кечинмаларини очиб берган. Ҳикоячининг тили зарур ўринларда қаҳрамон ички монологага айланиб кетган:

**Тили ширин, гапга хўб
Чечан эди, раҳматли...**

Ёки бошқа бир бандда:

**Эх, қанийди шу кунни
Кўрганида кампир ҳам!**

Бу мисраларни ҳам муаллиф, ҳам қаҳрамон кечинмаларининг ифодаси, дейиш мумкин. Ушбу унсур асарга ўзига хос лирик оҳанг бағишлаган-ки, шу боис уни лиро-эпик асар деса бўлади.



“ИСТИҚЛОЛ ВА БУГУНГИ АДАБИЁТ”

Таниқли адабиётшунос олим Нўмон Раҳимжоновнинг “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган “Истиқлол ва бугунги адабиёт” номи монография тадқиқоти (масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: Шухрат Ризаев) мустақиллик даври адабий жараёнининг етакчи тараққийёт тараққийоти таҳлили ва талқинига бағишланган. Китобда, асосан, бадий-эстетик тафаккурдаги ўсиш-ўзгаришлар, адабий-бадий мезонларнинг янгиланиши, бадий публицистикада шахс ва жамяят маънавияти ифодаси, сўз санъатининг вазифаси ва жамяятдаги ўрни сингари бир қанча долзарб мавзулар ҳақида фикр юритилади.

Тўплам “Истиқлол ва маънавият”, “Истиқлол ва ҳозирги адабий жараён”, “Адабий-эстетик тақриблар ва бадий қадриятлар”, “Шеърининг эстетика билан боғлиқ масалалари”, “Истиқлол ва ёшлар ижоди” мавзуларида туркумланган тадқиқотлар, мақолалардан таркиб топган. Уларда муаллиф адабиётнинг умумбашарий қадрияти, бадий асарларда халқ ах-

лоқи ва идеали бош мезон саналиши, истиқлол даври адабий жараёнида танқидий тафаккур ва эстетик мезонлар қай тарзда янгиланганини кузатади.

Шунингдек, атоқли адиблар Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шухрат шеърятларининг айрим муҳим хусусиятлари тадқиқ этилган мақолалар, замонавий ўзбек шеърятининг эстетика билан боғлиқ бир неча актуал масалалари ёритилган тадқиқотлар, истиқлол даври ёш шоирларининг ижодий изла-нишлари, ютуқлари таҳлил этилган илмий кузатишлар ҳам китобдан ўрин олган.

“Бу китобнинг фазилату хислатлари ҳақида кўп гапириш мумкин... Илмий-назарий асос, таҳлилу тавсифлар, умумлашма хулосалар бари бир доирага олиниб, йигирма йиллик давр адабиётининг адабий-эстетик, танқидий тафаккур тамойиллари аниқланди ва белгилаб берилди”, деб ёзади адабиётшунос Ш.Ризаев сўзбошида.



ҳум менинг биродарим эди. Яқинда у кенжа ўғилни уйлантириш олдидан, менга учраб: “Иложи бўлса, қарз бериб турсангиз. Ҳадемай бодрингла-риб пишади, сотиб, сизга қайтара-ман”, деб илтимос қилувди ва мен-дан етти минг сўм олиб кетганди. Энди, сўраганингиз учун айтдим, бўлмаса айтол-маган бўлардим. Бу ёғи энди нима бўлади?”

Имом яна марҳумнинг фарзанд-ларга саволни беради. Лекин улар бошларини қуйи қилиб, жим тури-шаверади. Шунда аёллар томондан бир қиз юзини қия тўсиб чиқиб ке-лади ва йиғидан ўпкаси тўлиб, узук-юлук дейди:

— Мен кенжа фарзандлари бўла-ман. Акаларим отамизнинг қарзлари-ни ўз бўйи-ларига олмас эканлар, мана мен оламан гарданимга. Лекин ҳозир менинг ихтиёримда ҳеч нарса

Адабий жараён

Боқий Мирзозиннинг ана шу воқеа-га асосланиб ёзилган ҳикояси М.Юсуф ва О.Носиров асарларидан жиддий фарқ қилади. Муаллиф, ав-вало, мазмунини батафсилроқ очиб беришга интилан. Қолаверса, сю-жет замиридаги асосий зиддият

мард қиз (дарвоқе, унинг ёши М.Юсуф ва О.Носиров қаҳрамон-

лариға нисбатан каттароқ, олий ўқув юрти талабаси, илмга интил-ган ва шу жиҳатдан ҳам акалари-дан фарқланиб туради) ва унинг но-мард акалари ўртасида эмас, бал-ки фарзанд деб турмуш машаққат-ларини чеккан заҳматкаш ота би-лан унинг ўз болаларига меҳр бе-ролмаган хотини ўртасида юзага келади. Бевақт вафот этган отанинг жанозаси пайтида содир бўлган ҳодиса эса ушбу зиддиятнинг кул-минацияси ва аини пайтда ечимини таъминлаган. Муаллиф жанр талабларидан келиб чиқиб, эр-хотин ўртасида-ги жанжалларни тасвир-ламаган бўлса-да, буни ўқувчи яхши тасаввур эти-ши учун ҳикояда етарли асос бор.

Аёл ўзаро жанжаллар билан чеклан-май, ота-болалар ўртасига нифоқ солади, ҳатто отасига меҳри ба-ланд бўлган ўз қизи Шохидани ҳам ич-ичидан ёмон кўради. Ҳамдам отанинг бевақт ўлимига мана шун-дай айирмачилик сабаб бўлгани ҳикоя якунида ойдинлашади.

Б.Мирзозин “Отдан олдин ўлган ўғиллар”, деб номланган ҳикояси унинг “Маккоранинг қисмати” тўпла-мига киритилган.

Тўғри, биз таҳлил қилган асарлар замиридаги воқеа типик, яъни ҳаёт-да кўп учрайдиган ҳодиса эмас. Аини пайтда бадий тўқима ҳам эмас.

Таҳлил кўрсатиб турибдики, гарчи ҳаётий материал типик бўлмаса-да, бадий сўз воситасида ишлаш нати-жасида унинг муҳим ахлоқий аҳа-миятга молик янгидан-янги қирралари намоён бўлган. Ҳар уч асарда бўртти-риш, яъни бирламчи сюжетга нисба-тан зиддиятни ёрқинроқ тасвирлаш-га интилиш тенденцияси кўзга та-шланади, бунинг учун турлича усуллар қўлланган.

Жанозадех ахлоқий аҳамиятга эга маросимни тасвирлаш бадий адаби-ётда нисбатан кам учрайди. Ваҳолан-ки, ҳар бир инсон учун, айниса, ёшлар учун бу бир ўғит, ҳаёт сабоғи. Зеро, яхшиликни ёмонликдан ўрган, деб бежиз айтилмаган.

Ҳа, Муҳаммад Юсуф, Одилжон Носиров ва Боқий Мирзо асарла-рида диёнатли халқимизнинг ахло-қий аъёнларида деярли учрамай-диган ҳодиса тасвирланган. Аммо ҳаётда бир марта бўлса-да шундай воқеа учрабдими, ушбу ягона ми-солни кўздан қочирмай, ёшлар учун ибратли сабоққа айлантириш — бу адабиётнинг бурчидир. Машҳур ёзувчилардан бири: яхшиликни бўрттириш керак, токи у янада барқ урсин, ёмонликни ҳам бўрттириш керак, токи у ўқувчида нафрат ўйотсин, қалбида уни йўқ қилиш истаги ҳосил бўлсин, деган эди. Бу каломда, сўзсиз, бадий адабиёт-нинг энг асосий қонуниятларидан бири ифодаланган.

Дарҳақиқат, эл ғамини ейиш — адабиётнинг энг олий вазифасидир. Адабиёт адаб ўргатаверади ва бун-дан ҳеч қачон толмайди.

**Қодиржон НОСИРОВ,
Наманган давлат университети
доценти**

ХI асрда яратилган буюк ёдгорлик «Девону луғотит турк» асарининг умумтуркий, шу жумладан, ўзбек шеър-иятига кўрсатган улкан таъсири беқиёс эканлиги фанда алаҳқачон ўз исботини топган. Устозимиз, марҳум акаде-мик Б.Валихўжаев таъкидлаганидек, «Маҳмуд Кошгарий-нинг «Девону луғотит турк»и ўз асрининггина эмас, балки кейинги даврларнинг ҳам нодир асарларидандир.

НАЗМИЙ ДУРДОНАЛАР

Бу асарда муаллиф, бир томондан, ХI асргача ва шу асрда мавжуд бўлган туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини жамлаб, гўзал бир хазинани яратган бўлса, иккинчидан, ўша даврдаги ёзма адаби-ёт намуналарини ҳам ўз асарига киритиб, уларнинг бизгача етиб келишига сабабчи бўлди. Тўғри, бу мисол ва намуналар сўзларнинг изоҳи учун келтирилган. Агар улар тўпланса, ХI аср туркий халқлар шеърятининг гўзал бир баёзи майдонга келади» («Ўзбек адаби-ётшунослиги тарихи

Ўзбек мумтоз адабиёти

(X—XIX асрлар)» «Ўқитувчи», 1993, 47-бет). Таниқли олим А.Ҳайитме-тов эътироф этганидек, «бу тўртликлар билан чуқурроқ танишиш, му-аллифнинг қатор таъкидлари унда келтирилган шеърӣ мисолларнинг ҳаммаси ҳам халқ оғзаки ижоди намунаси эмаслигини кўрсатади. Уларнинг қўллари айрим авторларнинг, профессионал шоирларнинг асарларидир. Бу эса, бизда, туркий халқларда ёзма адабиёт ХI аср-дан анча олдин пайдо бўлган дейиш учун асос беради».

Шундай қилиб, «Девон»даги назмий парчалар наشري ҳар жиҳатдан долзарб ҳисобланарди. Бу иш яқинда амалга оширилди: «Девону луғотит турк». Шеърлар» номи билан Д.Ражабов ва Ҳ.Бердиев тузувчилигида нашр этилди («Мухар-рир» нашриёти, 2010). Китоб мазмун-мундари-жаси «Девону луғотит турк» асарида келтирилган шеърӣ парчалар ва транскрипция, «I томда-ги шеърӣ парчалар», «II томдаги шеърӣ парча-лар» «III томдаги шеърӣ парчалар», «Девон»-даги парчаларнинг жанрий таснифи» каби бўлимлардан иборат.

Ҳозирги пайтда «Девону луғотит турк»нинг ягона нусхаси Туркия-нинг Истанбул шаҳридаги кутубхонада сақланади. Муаллифнинг гувоҳ-лик беришича, «Девон» котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашқий томонидан Маҳмуд Кошгарий дастхатидан ҳижрий 1265-66 йилларда кўчирилган. Маҳмуд Кошгарийнинг яна бир асари бўлган. У «Жавоҳир ун-наҳв фи луғотит турк» деб номланган.

«Девон»даги шеърӣ парчалар «Ўзбек адабиёти антологияси», тўрт жилдли «Ўзбек адабиёти», «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумидаги «Қадимий ҳикматлар», Н. Раҳмонов ва Ҳ.Болтабоев тузган кўп жилдли «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари» каби китоблар, шунингдек, замонавий дарсликларда ҳам муҳим материал сифатида алоҳида саҳи-фаларни ташкил этиб келмоқда.

«Девону луғотит турк». Шеърлар» наشري учун манба асарнинг ўзбек тилидаги таржимасида келтирилган материаллардир. Бу ҳақда гап борар экан, аввало, мазкур асар билан ўзбек халқини ақиндан таништирган йирик тилшунос С.Муталлибов номига яна бир бор эслаб ўтмоқ жоиз. Олимнинг ўзи таъкидлаганидек, «ХI асрнинг» бу аълоий филологик асарини таржима қилиш ёнча му-ҳим бўлса, у шунча мураккаб ва масъулиятли иш эди. Бунинг учун, бир томондан, ҳар бир сўзни алоҳида диққат ва эътибор билан изоҳлаш керак бўлса, иккинчидан, ҳар бир масалага ўша давр са-вияси билан ёндашиш, шунча узоқ даврлардан бизгача етиб кел-ган текстларни аниқлашда пухта илмий усул қўллаш, етук олим-нинг ҳар қандай ишоратларига алоҳида эътибор бериш, муноза-рали масалаларни тўғри ҳисобга олиш ва бошқа қатор масала-ларга алоҳида диққат қилиш лозим эди».

«Девон»даги шеърлар наширга қадр тузувчилар уни синчиклаб ўр-ганиш йўлидан борганлигини эълон қилинган қатор ишларига қўриш мум-кин. Жумладан, Ҳ.Бердиев мазкур наширгача «Девону луғотит турк» аса-ри шеърӣ санъатларини ўрганишга доир илк манба сифатида», «Қофия ҳосил қилишда сўз туркумларининг иштирокига доир», «Девону лу-ғотит турк»даги шеърларда тарсиё санъати», «Сўз такори билан боғлиқ санъатлар», «Девон»даги шеърларда ирсолӣ масал санъати», «Тала-ба-ёшлар тарбиясида «Девон» материалларининг ўрни», «Девону лу-ғотит турк» асари материаллари ва уларнинг ҳозирги ўзбек адабиёт-ти-лини ўрганишдаги аҳамияти» каби мақолалар эълон қилди. Кейинроқ эса, Ҳ.Бердиев ва Д.Ражабовнинг «Девону луғотит турк»даги шеърӣ парчаларда кофия» (2006) монографияси майдонга келди.

Мазкур нашрда ўрни-ўрни билан тузувчиларнинг айрим изоҳлари ҳам кўзга ташланади ва бу материалларнинг ўқувчиларга тушунарли бўлишига яқиндан ёрдам беради.

Албатта, энг асосий ютуқ мўътабар манба — «Девону луғотит турк»-даги назмий дурдоналарнинг яхлит китоб ҳолида нашр этилганидир.

**Муродқосим АБДИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.**

Доамий ҳамроҳ

Ўтмишда адибларимиз аксари бадий асарлар билан бир қаторда ахлоққа доир рисо-лалар ҳам битганлар. Қолаверса, мумтоз адабиётимизнинг асосини одоб масалалари банд этгани ҳам сир эмас. «Адабиёт — одоб-лар тўплами», деган таърифнинг маъноси ҳам шунандир. Адабиётимиз тарихида бундай ки-тобларнинг ҳисоби йўқ. Ана шундай эзгу аъ-аналарни давом эттириб, таниқли ёзувчи То-хир Малик бир неча ахлоқий рисо-ла яратди. «Меҳмон туйғулар», «Имонлашиш умиди», «Жиноятнинг узун йўли» шу йўналишда ёзилган асарлардир.

Яқинда «Шарқ» нашриётида ёзувчининг одоб-ахлоқ мавзусига бағишланган яна бир «Одаимийлик мулки» номи маърифий китоби нашр этилди. Уш фаслдан иборат бу китобда инсонларнинг маърифат оламини бойитишга хизмат қилувчи маълумотлар, суҳбатлар ўрин эгаллаган. Ушбу асарнинг ёзилиши ҳақида му-аллиф шундай дейди: «Тарихда одоб ҳақида китоблар жуда кўп. Шуларнинг айримларини ўқиш жараёнида каминида ундаги ҳикматлар билан биродарларни таништириш майли уй-ғонди».

Мазкур китобнинг биринчи қисми «Ишқ фасли», деб номланади. Бу фаслда ёзувчи бир қанча мазуларда фикр юритади. Масалан, «Гу-листон иста, эй кўнгли» сарлавҳали бобда мазкур китобга тартиб бериш сабаблари, мақ-садлари баён этилса, «Ё саодат — а фалокат» боби ҳидоят ва залолат йўллари ҳамда тар-

бия мезони хусусида, «Севган суйганига этар итоат» боби эса ишқ-муҳаббат таърифи ху-сусидадир. Бундан ташқари, ота-она ва фар-занд муносабатлари, тарбия, меҳр, оила, рашқ, дўст каби ахлоқий тушунчалар ҳақида сўз юритилади. Хусусан, ёзувчи тарбия асо-слари ҳақида сўзлаб қуйидаги фикрларни кел-тиради: «Фазилатни қўриқлайдиган гўзал ах-лоқни ва ярамас йўлдан, ёмон аҳволга тушиш-

“ОДАМИЙЛИК МУЛКИ”

дан сақлайдиган хушёрликни донолар тарбиянинг муҳим асосларидан ҳисобла-лар. Яна: ваъдага — вафо, насибага — ризо, ҳар бир бахтсизликка қарши чидамли бўлиш, ҳақиқат ва тўғрилиққа риоя қилиш...

Инсоннинг инсон бўлишига боис тарбия-дир ва у уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга ва машққа».

Китобнинг «Бахт фасли» деб аталган қис-мида бахтиёрлик, ибодат, илм, жаҳолат, ақл, оқил, доно, нодон, тил, нафс, сабр-тоқат ҳақида сўз юритилади. Инсон бахт учун ярал-ган. Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, бал-ки бахтли бўлиш учун яшайди. Ёзувчи ушбу фаслда тил хусусида ҳам ўз фикрларини баён қилади. Барчамизга маълумки, дарахтни кес-салар унинг илдизидан бир шохча кўкариб, унинг ўрнини босади. Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Аммо тил яраси ҳеч қачон тузалмайди. Шу боис тилга эҳтиёт

бўлиш, ёмон сўз айтишдан сақланиш лозим. Вужуд яхши таом билан жонлан-ганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан озик олади.

Мазкур китобнинг учун-чи қисми «Саодат фасли» деб номланади. Ушбу фаслда хулқ, виждон, вафо, чин сўз, са-ломлашиш одоби, камтарлик, ғазаб ва ҳилм, мардлик ва олийжаноблик, ҳалол ва ҳаром, таваба, шукрона каби мавзуларда сўз юритилади. Ёзувчи йиллар давомида одоб-ахлоққа доир тўплаган фикрлари, мате-риалларини ана шу рисоласига жо қилган.

«Одаимийлик мулки»да қўллаган ибратли, яхши одоблар ҳақидаги оятлар, ҳадиси ша-рифдан намуналар, ривоятлар, мулоҳазалар келтирилади. Машҳур ёзувчи, олим, шоирлар-нинг асарларидан парчалар берилади.

Тоҳир Маликнинг «Одаимийлик мулки» аса-ри ахлоқ рисоласи бўлиб, у инсонларни фа-қат эзгу ишлар, эзгу амаллар қилишга чор-лайди ва дунёдаги жамикчи яхши ва ёмон фазилатлар, иллатлар ҳақида китобхонлар билан дилдан фикрлашади. Уларни ўз-ўзла-рини тарбиялашга даъват этади. Демак, маз-кур китоб маърифат оламинини янада бойитишга хизмат қилади, деган умиддими.

**Сарвиноз РАСУЛОВА,
ЎЗМУ тадқиқотчиси**



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

БИЗНИ ХУШ КЎРГАНЛАР ХУШВАҚТ БЎЛСИНЛАР



ИЗҲОР

Сен отамнинг отаси, сен онамнинг онаси,
Боламнинг дийдориди жонимнинг дурдонаси.
Пойинга тиз чўқмоқни келди бу кун хонаси,
Момомерос диёрим, бобомерос ору шаъни,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Тонгла очган кўзимсан, шукур десам сўзимсан,
Пешонамнинг терида ҳалол топанг тузимсан,
Аждодлардан авлодга қолган ёруғ изимсан,
Сен Навоий назмида сўзлаги сўмас гулҳан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Озодсан-ки, элимнинг оромига туморсан,
Ободсан-ки, оламнинг нигоҳига ҳуморсан,
Сен боламнинг боласини боласига даркорсан,
Эй, боғлари баҳорини орзиқтирган гул, чаман,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Жонимдирсан қалбимда қалқиган саодатсан,
Темур Бобом туғида балқиган адолатсан,
Имом Бухорий деса муслимга нободатсан,
Эй, кўксимнинг кўкида оқ тилак, хушбўй сунан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

Меҳри эл муроиди дунёга тинчлик эрур,
Султон оқил юртда дилларга сиймас сурур,
Шу сабаб ҳар онимда минг шукур, минг бир гурур,
Завол кўрма то абад, ярашмас гулга тикан,
Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан.

ХУШ ТИЛАК

Қаро тун чиройи чироқ биландир,
Тунни ёритганлар хуш бахт бўлсинлар.
Азизлик йўлидаги мушук биландир,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Хуш ният — кўнглининг тубидаги дур,
Табассум — юракнинг юзидаги нур.
Дийдор саодати бахш этсин сурур,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Офтоб — бу аслида ором чехраси,
Тангри дер: — Бисмиллоҳ калом чехраси.
Шунчалар гўзалми салом чехраси,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Отамдан қолгани иймон поклиги,
Онамнинг сийрати кўнгал хоклиги.
Сиздан янроқ бўлсин дилининг чоклиги,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Меҳр — бу соғинчнинг меҳрибон асли,
Дийдор гулобидир дилга дил васли.
Хазонлиг кўрмасин муҳаббат фасли,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

Балки кимга ёқиб, кимга ёқмасмиз,
Маҳмуд, банди биз-да, судлай оқмасмиз.
Лек кимса йўлида асло чоҳмасмиз,
Бизни хуш кўрганлар хушвақт бўлсинлар.

ТОМГАН ТУЙГУЛАР

Мен тоғларга яқин келдим жуда ҳам,
Соғинадир садосини эшитдим аниқ.
Кўзим гавҳарида оппоқ чаманлар,
Тоғлар ётар бунда тиллодан тиниқ.

Мен тоғларга яқин келдим, аё дўст,
Арчалар оҳанглари таратар бунда.
Булоқлар боладек бижирлаб ётар,
Адиқлар аллалар айтган очулда.

Тоғлар туғишгандек яқиним бўлди,
Ўлан айтиб берди менга ғиёҳлар.

Дардим териб олсин тоғлар десангиз,
Тоғқа бир бор келинг қалби сийҳлар.

Туйгулар томдилар дилимдан ажиб,
Хайрат ҳавосидан сийриб ичдим.
Тоғлар тупроғига бир дам тиз чўқиб,
Ўзимни топдим мен, ўзимдан кечдим.

СОҒИНЧ

Соғинч сидирмоқда кўнгал қонимни,
Армон ўртамоқда жисму жонимни,
Кўргим келаварар онажонимни,
Дарёсин ахтарган ирмоқ кабиман,
Дарахтдан узилган яроқ кабиман.

Чарх уриб ҳовлимга сиймай қоламан,
Жойин буш кўрганда оҳман, ноламан,
Мен тонлар дуони кимдан оламан,
Киприкда жон тутган томчи кабиман,
Тамшансам назимда кўзёш тамиман.

Хувиллаб қолгандек бу дунё гўё,
Тунлар тўлгонган тош, қунар зим-зиё,
Онажон, кимда бор сиздаги зиё,
Кўшин қидирган осмон кабиман,
Боғида гули йўқ боғбон кабиман.

Она, қабрингизга қайтиб бораман,
Қандоқ алвидо деб айтиб бораман,
Сизни соғинганда дили пораман,
Зам-зам қошидаги ташна кабиман,
Энди изингизнинг ёнган шамиман.

ИМКОН

Сув садоси аввал сойни сийлайди,
Бой боласи шаксиз бойни сийлайди,
Ким кулоддек қорган лойни сийлайди,
Сиртмоқдаги сирлар садо берса-чи,
Гул ахтарган юрагимдан терса-чи.

Ёлғиз яроқ дарахтга бош бўлмагай,
Мингта қалам санамга қош бўлмагай,
Дил қариса қоматинг ёш бўлмагай,
Кўзни юмиб дил кўзида кўрса-чи,
Тилин тийиб дил сўзида сўрса-чи.

Ҳар гуноҳини ҳар кимга чоҳи бўлак,
Ҳар ошқининг аслида оҳи бўлак,
Кўкда куйган кўшнинг моҳи бўлак,
Оҳин ошқ ороми деб билса-чи,
Нурин тангри саломи деб билса-чи.

Бир тулпор бор юрагимда чопмаган,
Дур сўзлар бор мен дилимдан топмаган,
Нонин ҳеч ким онамдек хуш ёлмаган,
Онаси бор осмонлигин билса-чи,
Нияти хуш имконлигин билса-чи.

МУҲАББАТ

Кўзинг кўрми, юзинг чўтир, муҳаббат,
Кел ёнимга бирпас ўтир, муҳаббат.
Бу дунёда гуноҳкорлар кўп жуда,
Вале сенда гуноҳ йўқдир, муҳаббат.

Ақл билан чиқинмайди муҳаббат,
Нега сени ўқинмайди, муҳаббат?
Севгисидан сурон солиб юрганлар
Навоийни ўқинмайди, муҳаббат!

Кўзингизни кўзлагимни рост,
Изингизни излагимни рост.
Юлдузлардан туморлар тилаб,
Ҳилолим деб бўзлагимни рост.

Мен шамолдан шакл сўрабман,
Капалакдан жаҳл сўрабман.
Юрагимнинг ёнида туриб
Муҳаббатдан ақл сўрабман.

Шунчалар гўзалки мулки илоҳи,
Ҳар гул оразида унинг нигоҳи.
Хайрат хитобидан тилимни тишлаб,
Жунун саҳросида кезаман гоҳи.

Ўйлаб ўйларимга поён топмайман,
Бахтининг кўчасида қандоқ чопмайман.
Кўнглим кўзларига юзини очган
Ишқнинг оташида ором топмайман.

ЮРАК

Юрак, келгин тилмочинг бўлай,
Алвон қирлар бағрига бошла.
Ёр маҳрида тўқилай, тўқилай,
Мен висолга ташнаман, ташна.

Ҳар бир унган лола битта бахт,
Ҳар қизғалдоқ қон, қариндошинг.
Кўксим асли сен чиққан бир тахт,
Мендан бошқа борми сирдошинг?

Майли ёнган, ишқ ичра тўлгон,
Сен борсанки, бу дунё ёруғ.
Лола уздим сендек бағри қон,
Лола уздим соғинчдек соруғ.

Юрак, келгин сен ҳам тилмоч бўл,
Гул тўқилсан ҳар сўзимиздан.
Яратганга йўл тоғаймиз, йўл,
Розия кетсан биз ўзимиздан.

Малоҳат БАХТ

СЕВГИ ЮРАГИМИНИНГ КЎЗИН БОҒЛАДИ...



ИЛК БОРА

Илк бора шивирлаб лабларим,
Илк бора майин куй қуйлайди.
Бетиним адоқсиз ҳаёлда,
Илк бора бир сизни ўйлайди.

Илк бора титради қўлларим,
Илк бора юрагим ҳаприқди.
Ҳеч кимни қутмаган бу қўзлар,
Илк бора йўл пойлаб толиқди.

Илк бора кўзларим тўқнашди,
Илк бора аланга қалбимда.
Илк бора икки дил бирланди,
Илк бора ишқ майин қўлимда.

Шамоллар эсади соҳиларим силаб,
Майин бир кўшқини қилар хиргойи.
Менинг қулоғимга секин шивирлаб,
Бунча ширин дейди ёрнинг дийдори.

Ишқингиз чўғ мисол кўксимда ёнар,
Меҳрингиз бамисли дарёдай тошқин.
Бу кўнгал алдамчи, севгидан тонар,
Йўқ-йўқ, у севди мисоли Махжун.

Хайрат-ла боқаман кўзларингизга,
Бу кўзлар меҳрдан яралганим ё?
Ҳар нигоҳингиздан меҳр сачради,
Муҳаббат нуридан таралганим ё?

Райҳонга эгилдим ой шўъласида,
Майсалар эркалаб ўнди тоғоним.
Жўр бўлдим ҳижронинг ашуласига,
Қайларда юрибсиз, менинг ёмоним?

Райҳонлар сирини соғурди сабо —
Гуллар атир пуркаб кўнглим чоғлади.
Паришон боғларда янгради наво,
Севги юрагимнинг кўзин боғлади...

Каримберди Тўрамурад 1960 йили Ургут туманида туғилган. Самарқанд давлат университетини битириб, кўп йиллар қишлоқ мактабларида муаллимлик қилган. "Гуноҳ қиз", "Синфдошлари йўқ одам", "Худоевров йиғитлари", "Жийда гули" каби китоблари чоп этилган. "Ота", "Сабринисо", "Чақмоқ" филмлари ҳамда "Жийда гули" телесериалининг сценарий муаллифидир. Ҳозир "Бека-жон" газетаси таҳририятида фаолият олиб бормоқда. Ижодидан намуналар "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да илк бор эълон қилинмоқда.

1. Момахолнинг тўйи бўладиган бўлиб қолди.
Ай, Момахолнинг кўнгли Эшимқулда эди-да.
2. Қош қорайганда аммасиникига борди Момахол.
Амманинг боғи Эшимқулларнинг боғи билан туташ бўлди.
Аммасини ухлатиб боққа чиқди Момахол.
Аллаҳончон боғда бўлди Эшимқул.

3. — Энди нима қиламиз, Момахол?
— Билмайман, Эшимқул, билмайман.
— Энанга айтмадингми, Момахол?
— Қайси тил билан айтаман, Эшимқул?
— "Шу пайтгача қайси гўрда эдинг?", деди энам.
— "Энди борганимиз ўлганимиз", деди.
— "Икки қишлоққа қонга ботирганинг қолади,
Жўра қасос қизини сенга барибир бермайди", деди энам.
— "Отанга айтмай қўя қолай, сен ҳам энди Момахолди унут, ичингдаги ичингда қолсин, бировга оғзиндан чикарма", деди.
— Ха, отам мени сенга бермайди. Мендан кечар, энамдан кечар, аммо отам Тилов жўрасидан кечмас.

4. Жим-жим сўзлашдилар иккиси. Бир сўз демас сўзлашдилар.
— Наҳотки бу кеча энг сўнгги кеча бўлса?
— сўради Эшимқулнинг кўзлари.
— Қараб қолинг, менга тўйиб қолинг, — деди Момахолнинг кўзлари.
— Мени эслаб қолинг. Ха, бу сўнгги кеча.
— Муҳаббатимиз тугайдими шу билан? — сўради Эшимқулнинг кўзлари.
— Муҳаббатимиз ўлса тугайди, — деди Момахолнинг кўзлари.
— Унда қачон бирга бўламиз? — сўради Эшимқулнинг кўзлари.
— Қиёматда бирга бўламиз! — деди Момахолнинг кўзлари.
— Қўйиб юбормайман сени, — деди Эшимқулнинг кўзлари.
— Алвидо! Энди сизнинг тафтингизда иси-ниш бизга ёт, — деди Момахолнинг кўзлари.
— Қўйиб юбормайман сени, — деди Эшимқулнинг кўзлари.
— Энди биз бегона бўлдик, — деди Момахолнинг кўзлари.
— Бу дунёда армон энди сизнинг силаб-сийлашларингиз.

5. Кўёш деганлари бунча шошқалоқ.
Бирпасда дунёни бир айланиб келди-қўйди.
Кетар бўлди Момахол.
Икки томчи ёш бўлди Момахолнинг кўзида.
— Мен нима қилай, Момахол?
— Тўйга борма, Эшимқул!

Момахол?

— Гапирма, Эшимқул, айнибсан. Энди бора қол, анави Гулсаранг кутиб кўзи тўрт бўлган-дир?

— Рашк қилма-да, энди, Момахол.
— Нимасига рашк қиламан, Эшимқул? Сен уни яхши кўрмайсан-ку?
— Сени мен рашк қиламан, Момахол.
— Уят бўлди-ей, Эшимқул.
— Майли-да, Момахол.
Шунча гапни айтган Эшимқулнинг нигоҳлари Момахол томонга боқмайд.

Шунча гапни айтган Момахолнинг нигоҳлари ердан узилмайд.
Номаҳрам-да, энди Момахол.
Номаҳрам-да, энди Эшимқул.

8. Эшимқулни яхши кўрганини бировга айтмай қолгани эрга топширди Момахол.
Момахолни яхши кўрганини бировга айтмай кампирини ерга қўйди

Каримберди Тўрамурад

ИШҚ НАВОСИ

Эшимқул.
— Кексайганда ёлғиз қолди, шўрлик, — деди ўзига ўзи Эшимқул.
— Ёши бир жойга борганда тан маҳрамсиз қолди, бечора, — деди ўзига ўзи Момахол.
Момахолдан ҳол сўрашга тил бўлмади Эшимқулда.
Эшимқулдан ҳол сўрашга бет бўлмади Момахолда.
Номаҳрам эди-да, энди Момахол.
Номаҳрам эди-да, энди Эшимқул.

9. Давлат кексаларнинг нафақасини оширди.
Икки баравар ошиб кетди Момахол монимон нафақаси.

— Бизларники ярим баравар ошди, — деди Розия ошпаз. — Момахол монимони икки баравар ошибди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди Ҳалима аттор. — Буни бир текшириб кўриш керак.

— Сизларга ўхшаб бир умр енгил иш қилмадим, — деди Момахол омон. — Эркалар билан баб-баравар деҳқончилик қилдим. Бешта бола туғдим. Ҳаммасини ҳисобга олади-да давлат.

— Етти йил оширилган нафақани олиб юрди Момахол омон.

— Етти йил Ҳалима аттор билан Розия ошпазга ўхшаган момоларни "қуйдириб юрди" Момахол омон.

— Текшириб ҳам келди Ҳалима аттор. — Бизларники билан бир хил экан, сал кўп-у, икки баравар эмас экан, — деди Ҳалима аттор.

— Бўлмаса Дилмурод пўшта нимага Момахол момага бунча кўп пул беради? — сўради Розия ошпаз.

— Энди буни Дилмуроддан сўра! — Сўрайманам!

Сўради.

— Биров билан нима ишларингиз бор. Борога шукур қилиб, давлат берганини олиб евермайсизларми? — деди Дилмурод.

Шукур қилишди. Жим бўлишди. Момахол момага ҳам бир сўраган эди Дилмурод терсоқ жавоб берди:
— Узумини енг-у, боғини сўраманг-да, мома!

Қайтиб сўрамади Момахол момага.

10. — Эшимқул бобонинг мазаси қочиб қолибди!
Бу гапни эшитгунча том босса бўлмасмиди Момахол монимонинг қулоқларини?

Ҳаловат қолди Момахол момага? Ором қолди Момахол момага?
Қани, бир бориб ҳол сўрашга журъати етса, Момахол монимонинг.

Қани, бирровгина қилиб, "Мендан рози бўл, Эшимқул!" дейишга ўзида куч тополса Момахол момага.

Ҳалима аттор билан Розия ошпазга ўхшаган момолар бориб рози-ризочилик сўраб келишди Эшимқул бободан, аммо биргина Момахол момага бободан у ерга.

Момахол момага бет бўлмади Эшимқул бобонинг уйига биргина киришга.

Тинчи йўқолди Момахол монимонинг. Борганлардан сўрайди Эшимқул бобонинг холини.

— Аҳволи тузукмикан?
— Овқат еб турибдиммикан?
— Болалари хабардор бўлиб туришибди-микан?

11. Бир ҳафта туз тотмади Эшимқул бобо. Бир ҳафта кўзи эшикда бўлди Эшимқул бобонинг.

Бир ҳафта келган-кетганнинг ичидан кўзларини кидирди Эшимқул бобонинг бўзлари.

— Бировга ичиккан кўринади, — деди мулла Сафар бобо. — Келолмаган бирорта қариндошларингиз бўлса қақиринглари!

Ҳамма қариндош келди ҳамки, кўзлари жойига тушмади Эшимқул бобонинг.

"Кампирини ахтарди", дейишди момолар. Эшикка термулиб жони узилди Эшимқул бобонинг.

Кўзида икки томчи ёш билан кетди Эшимқул бобо.

Кимни ахтарганини бировга айтмай дундан ўтди Эшимқул бобо.

Келинлари кўк кийди Эшимқул бобонинг.

12. Ҳеч кимга билдирмай қора кийди Момахол момага.
Ҳеч кимга билдирмай аза тутди Момахол момага.

Эшимқул бобонинг уйи тарафга қараб-қараб йиғлади, Момахол момага.

Аммасининг боғига қараб-қараб йиғлади, Момахол момага.

Кимга йиғлаганини бировга айтмади, Момахол момага.

Кимга қора кийганини бировга айтмади, Момахол момага.

13. — Момахол монимонинг нафақасини камай-тиришибди, — деди Ҳалима аттор.

— Нимага ундай қилишибди, биздан ортиқча олса ҳам майли эди, ким камайтирибди? — деди Розия ошпаз.

— Бунисини энди Дилмурод пўштадан сўрайсан.

Сўрашди.

— Биров билан нима ишларингиз бор-а? — деди Дилмурод. — Шу момойларни тушун-мадим-да, бировга кўп берсанг ҳам кўнмайди, кам берсанг ҳам кўнмайди.

Сўрамас эди-ю, шу Розия ошпазнинг қистови билан сўради Момахол момага.

— Энди нафақанинг чўғи камайди, — деди Дилмурод. — Сиз ҳам боришга шукур қилиб, эл қатори олаверасиз энди, мома.

— Сал тушунтириб гапир-да, болам? Чўғи деганинг нимаси?

— Бундай деганинг сизга нафақани бериб турадиган одам энди йўқ, мома, у кетди.

— Яна топишмоқ қилиб гапирасан-а, болам. Ким эди у, айт-да, мундай!

— Бу давлат сири, айтиб бўлмайди, Момахол момага.

— Мениям сафарим қариган, болам, — кўзи ёшланди Момахол монимонинг. — Айт, билиб кетай, менга ким шунча йил меҳрибонлик қилган экан.

Уйда қолди Дилмурод.

Охири ёрилди Дилмурод.

— Бировга айтмайсан, деган эди-ю, аммо анави гапингиз бошқача бўлди, мома, айтсам айтмай.

— Етти йил давомида бир киши ўзининг нафақасини олмай, сизнинг нафақангизга қўшиб беришини тайинлар эди. Етти йил икки кишининг нафақасини олиб юрдигиз. Ўзингиз ўйлаб топинг-чи, ким бўлиши мумкин шу одам? Аммо мен хали бундай мард одамни кўрмаганман. Бировга билдирмади. Менинг ҳам "Оғзимдан чикармайман", деган ваъдамин олган эди.

Изиллаб йиғлайверди Момахол момага.

— Билдингиз-а, мома, кимлигини?

— Илоҳи, жойи жаннатда бўлсин! — дуо қилди Момахол момага. — Жойиганаи жаннатда бўлсин!

— Жойлари жаннатда бўлсин, Эшимқул бобонинг, — деди Дилмурод.

14. Ай, муҳаббат ёшларда бўлади, деманг-да, ошна.

Муҳаббат кинода бўлади, деманг-да. Муҳаббат китобда бўлади, деманг-да, энди. Бобойларда муҳаббат нима қилади, деманг. Момойларда муҳаббат нима қилади, деманг-да.

Ундай деманг-да, ошнажон, ҳеч ундай деманг!
Ундай десангиз Эшимқул бобонинг руҳи чиққиллайди-да.

Ундай десангиз ҳеч кимга билдирмай Жаласойнинг қабристонидида Эшимқул бобонинг мазорига етти йилдан бери гул қўйиб келадиган Момахол момаимиз иккимиздан ҳам хафа бўлади-да, ошна.

Йўқ, ундай деманг!

ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ ФИЛМ



Бошланиши биринчи саҳифада.

Филм воқеалари контраст муҳит ва шарт-шароит асосига қурилган. Бир қараганда, картина ёрқин бўёқларга бой, унда ўзига хос эпизодлар кўп. Бироқ ана шундай манзаралар ортда, сирдан қараганда, осуда ва фаровон ҳаёт кечириётган баъзи одамлар турмуш тарзининг туб-тубида яшириниб ётган ҳаётли ҳолат тинч оқар дарё остидаги гирдобни ёдга солиди.

Киноасардаги барча хатти-ҳаракатлар асосий персонаж — Турғун Ҳожи билан боғлиқ воқеа-

ка эришган. Шунингдек, Турғун Ҳожиға мудом ҳушодад ва лаганбардорлик қилиб, «ҳидоятга бошловчи ақидаю қасидаларингизни тинглаб бағоят роҳат қилдик» қабилдаги гаплар билан ўз манфаати йўлида унинг пинҳига яна ҳам чуқурроқ суқулиб киришга уринадиган домла Асо-миддин образи актёр Исоқтой Жуманов ижросида ҳаққоний ва табиий чиққанини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Асосий қаҳрамонлар — Дилроз ҳамда Беҳзод образларига ҳали актёрлик мактабини кўрмаган ўспиринлар танланган бўлса-да, уларнинг ёшлиги, самимияти, болаларча бе-губорлиги воқелик руҳига бирмунча мос келган, ижронинг табиийлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган. Бу ҳол, айниқса, Дилроз роли иж-рочиси Зиёда Худойкулованинг атрафда бўлаётган воқеаларга ҳамда образга бўлган муносаба-тида яққол сезилиб туради.

Актёр Эгамберди Раҳимов Кўчқорвой (у Турғун Ҳожи домига тушган, Кўчқорвой исмидан воз ке-чиб, Эгамназар исмини олган) обра-зини яратишда бевосита режис-сёр талқини ва тавсияларига тая-нади. Э.Раҳимовнинг истеъдоди актёр эканини унинг кино санъа-тида яратган образларидан яхши биламиз. Бу ўринда шунини таъкид-лашни истардикки, ҳаёти қил усти-



«Тубанлик» филмдан лавҳа.

лар теграсида рўй беради: унинг таъсирида Эгамназар (актёр Э.Раҳимов) маънан ва қалб-ан сўқир отага айланади, бу қабих ота ўз қизини буваси тенги Ҳожиға тортиқ қилишга жазм эт-ганидан Онанинг (актриса Л.Элтоева) юрагига гулгула тушади, воқеадан хабар топган мактаб ахли, синф раҳбари (актриса Н.Каримбоева) тинчини йўқотади. Хатто мурғак кўнгилларида илк муҳаббат уйғонган Дилроз ва Беҳзод, ка-салхонада оғир ҳасталик азобини тортиб ётган Масрура (Ш.Тўхтаева) кулфатларининг бош са-бабчиси ҳам Турғун Ҳожи.

Шу нуқтаи назардан қараганда, филмнинг асосий гавий юки кўпроқ Турғун Ҳожи обра-зи талқинига боғлиқ. Актёр Мирза Азизов бу образни табиатан йиғма характерга эга персонаж даражасига кўтара олган. Биноба-рин, унинг ижросидаги Турғун Ҳожи кўзини кўр, қўлогини қар, юрагини тош қилиб, му-сулмон дини нисобини остида бузғунчи ният-лар йўлидан бораётган рижор, манфаатпа-раст шахс сифатида намоён бўлади. Шунин-си эътиборлики, актёр нафақат гап-сўзи, хат-ти-ҳаракатларида, балки қарашлари, имо-ишораларида ҳам образ моҳиятини очиб бе-ришга эришган.

Шунингдек, Лола Элтоева (Нозима образи) билан Шодия Тўхтаева (Масрура образи) ярат-ган Она образлари ҳам филмдаги эътиборга сазовор персонажлардан. Ҳар иккала актриса ўзларига топширилган оналар образини теран ва таъсирли очиб беришга, уни мазмунан ҳамда мантқан бойитишга, энг муҳими, мазкур пер-сонажлар шахсий ҳаётига мансуб фоҳиянинг туб илдишларини тўла етказиб беришга муваффақ бўлишган.

Мазкур филмда Нодира Маҳмудова яратган Махсума образи ҳам алоҳида эътирофга сазо-вор. Турғун Ҳожининг бева жияни бўлиши Мах-сума — Н.Маҳмудова дийдаси қаттиқ, атрофда бўлаётган воқеаларнинг фақат салбий томон-ларини маъқулловчи, «дин пешвоси»нинг разо-лат ва қабохатга бошловчи барча кирдикорла-рига ҳайрихоҳлик билдириб, у ёқдан оловга мой пурқаб кун кўрадиган бузғунчи кимса сифати-да гавдаланади. Зеро, актриса Н.Маҳмудова Махсума образининг феъл-атворини кашф этиш ҳамда моҳиятини очиб беришда тугаллик-

тида турган, у дунёга рихлат қилишига бир баҳъя қолган қизи Дилроз тепасида турган Ота (Кўчқорвой)нинг хотимадаги кучли драматизм билан сугорилган воқеаларга иштироки ниҳоятда суст. Оилада бўлиб ўтган мудҳиш ҳодиса-ларнинг сабабчиси ота эканини билган томо-шабин хотимадаги воқеаларга муносабатидан унинг буткул қараётган ҳолатда эканини кўради. Бироқ негадир сценарий муаллифи мазкур яку-ний воқеаларда Кўчқорвойни четлаб ўтади. У ўз қилмишлари оқибатларига қандайдир му-носабат билдириши ва бу нарсани ўз-қўзи-да, хатти-ҳаракатларида, ҳолатларида ифода этилиши лозим эди. Ваҳоланки, худди ана шу эпизоднинг ўзида Нозима — Л.Элтоева жабр-дийда онанинг аянчли фоҳиясини ниҳоятда таъсирли, қалбларни ларзага келтирадиган тарзда очиб беради. Бу фоҳия оқибатида га-рангсиз қолган Нозима турмуш ўртоғи Кўчқор-войнинг бағрига ўзини ташламоқчи бўлади-ю, бироқ дафъатан у энди ўзига мутлақо бе-ғоналигини тушуниб қолади. Уни ўз қонига тортаётган фоҳиялар қаршисида ёлғизлигини англаган она кўзлари жижжа ёшга тўлиб, мушт тугилган қўлларини қандайдир ноумидлик, ишочисизлик билан ҳаракатга келтирадиган, то-мошабин наздида у йўқликка қараб юз тутган-дек бўлади.

Режиссёрнинг ижодий ансамбл ярата олган асар мазмунини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. Филм учун махсус ёзил-ган, эстрада хонандаси Зиёда ижросидаги са-ундтрек ҳам таъсирли чиққан. Картинада бар-ча персонажларга шу ролни ижро этган актёр-ларнинг ўзлари овоз берган. Бу ижронинг жо-лиғини таъминлаган. Ижодий гуруҳ матн, тил ва нутқ масаласини эътибордан қочирмагани рўй-рост сезилиб туради.

«Тубанлик» картинаси, шубҳасиз, ўз вақтида маҳорат билан яратилган долзарб филмдир. Картина томошабинларни огоҳликка, ҳушёрлик-ка даъват этади, турмуш тарзини ҳамда доғ бўлиб тушаётган воқеаларга муросасиз бўлишга чорлайди.

Махсума ХОЖИМАТОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини кафедра мудири

Ўзбек хотин-қизларидан етишиб чиққан биринчи му-саввира Шамсрўй Ҳасанова бетакрор истеъдод соҳиб-ларидан бири эди. Бўлажак мусаввира Тошкентдаги ишчилар шаҳарчасида туғилди. Ўша кезлари бу мас-канда кўплаб уста санъаткорлар, ҳунармандлар исти-қомат қилган. Шамсрўй илк бор ана шундай мўътабар зотлар яратган ижод намуналарини кўриб, тасвирий санъатга ишқи тушган бўлса ажаб эмас. Балки моҳир каштачи бўлган онасининг ранг таялаш истеъдоди, ганч ва ёғоч устаси бўлган отасининг шакллар ясаш маҳорати унга мерос ўтгандир. Нима бўлганда ҳам, ўша замонларда, яъни ўтган асрнинг ўттизинчи йилла-рида аёл кишининг рассом бўлиши ғайритабиий, кўпчи-лик учун андозага тушмайдиган ҳодиса эди.

Шамсрўй мактабини тугатган, Тошкент бадий билим юртида ўқиди. Талабалар орасида яно-на ўзбек қизи бошқа миллат ва-киллари билан теппа-тенг чи-зди, кузатди, ижод қилди. Ҳар қандай бўлажак рассом синга-ри илк асарларини ўзи туғи-либ ўсган макон — кўчалар, уй-лар, боғ ва хиёбонларни тас-вирлашдан бошлади. Мўйқалам соҳибаси учун ўқиш, изланиш, ҳаёт манзараларини кузатиш кундалик эҳтиёжга айланди. Давраларда бахус мулоқотлар-га дадил киришди, дугоналар орттирди, асарларини устозла-ру дўстлар муҳокамасига қўйишдан чўчимади. Шамсрўй билан тахсил олган дўстлари орасида бўлғуси машҳур рас-сом Ўрол Тансиқбоев, ёзувчи Ойбекнинг рафикаси Зарифа Саидносирова ҳам бор эди.

Ўша кезлари Самар-қанда бадий мактаб-нинг ўзига хос реали-стик мактаби машҳур эди. Унга XX асрнинг улғур рассомларидан бири Павел Бенъков ҳамда шоғирди, ажойиб рассом Зинаида Кова-левская бошчилик қиларди. Шамсрўй им-кон даражасида бу улғур рассом мактабидан ҳам баҳраманд бўлди. Унинг ижодида Самарқанд-нинг қадимий обидла-ри, тоғ қишлоқларининг латофатга бой кўри-нишлари пайдо бўла бошлади. Шамсрўй фақат ма-назарлар билан чекланиб қолма-ди. У энди психологик портрет-лар ишлашга ўтди.

— Шамсрўйнинг илк ишлари-ни кўрганимдаёқ у билан ижо-дий ҳамфикрликни ҳис этган-ман, — деб ёзганда хотирала-рида буюк мусаввир Чингиз Аҳмаров. — Нозиккина, катта-катта қол-қора кўзли бу ўйчан қиз ўзи чизган расмлар каби гўзал, беғубор эди. Назаримда, расмлари уни, у расмларини қай жиҳатдандир тўлдириб, му-каммаллаштираётган эди. Айни чоғда ижодий қарашларимизда кесишган нуқталар кўп бўлар, рассом сифатида бир-биримиз-га яқинлик туардик.

Чингиз Аҳмаров кейинчалик бутун ижоди давомида Шарқ гўзаллари сиймосига мурожа-ат қилар экан, уларга ана шу мусаввира қиз — турмуш ўртоғи Шамсрўй Ҳасановани тимсол қилиб олди. Бу икки ижодкор олами бир-бирига жуда-жуда яқин эди. Шамсрўй

Чингиз Аҳмаров билан ҳамна-фас бўлган, бирга яшаган кез-ларида рассомнинг руҳий ма-дадида суянди.

Иккинчи жаҳон уруши йилла-рида Ш.Ҳасанова Ўзбекистон давлат Санъат музейида аввал экскурсиячи, кейин директор ла-



лар, композициялар, натюр-мортлар устида тинимсиз ишла-ниш олиб борарди.

Рассом айнаи кучга тўлган дамлари фақат Шарқ миниатю-ра санъатининггина эмас, балки тарихий манбаларни, айниқса, шеърятни диққат билан ўрган-ди. Шарқ шеърятини, хусусан, Навоий, Лутфий, Бобур, Ўзбек шоирларини Зебунисо, Нодира, Увайсий, Мутриба, Анбар отин-каби аёллар ижоди ҳақида ат-рофича маълумотлар олди. Ўзбек шоирларининг портрет-ларини яратишга бел боғлади. Шу тариқа ижодкорнинг Шарқ шоирларига бағишланган тур-кум асарлари дунёга келди.

Рассомнинг бу йўналишдаги илк изланишларидан бири Зе-бунисо портрети бўлди. Унда Зебунисонинг қалб тугёнлари ва ҳаяжони ифодаланган бўлиб, бу бўрттирилган юз ифодаси, қўл ишоралари орқали ҳосил қилинган. Портретдаги юз тас-вири ҳам эътиборни тортади. Унда рассом ташқи жиҳатдан

миниатюрага хос бўлган қиёфани тасвирлаган. Аммо шаклни силлиқлаш ва содда-лаштириш асносида портретга кичикроқ бир янгилик киритиб, қиёфага ҳаётлилик бағишлаган. Шу ўринда мусаввира ранг им-кониятларига, турли рамзлар-га алоҳида эътибор қилади. Айтайлик, гуллаган дархат шох тасвири ўз маъносидан ташқари баҳорий кайфият, шоирона ҳис-туйғу ифодаси сифатида мавжланади.

Албатта, Зебунисонинг қалбини тўла англаш осон кеч-мади. Бунинг учун рассом шо-иранинг шеърятига, замон-дошлари ёзиб қолдирган қўлёзмаларга, Шарқ миниатю-раларига мурожаат қилди. Ана шундай изланишлар натижаси-да бунёд бўлган мумтоз шои-ралар Нодира ва Увайсий портретлари ҳам мусаввира ижодида катта воқеа бўлди.

«Мутриба» асари уйғур



Шоира Мутриба портрети.

тасвирий юзасига сингиб кет-ган. Ижодкор ишоралар ва ҳолатларнинг шартли талқини-дан маҳорат билан фойдаланиб, уларга аниқлик киритади. Шу асосда бетакрорлик, ички ҳаяжон, драматизм намоён бўлади. Рассом учун қиёфалар-нинг ҳаракатдаги мутаносибли-ги муҳим бўлиб қолади. Муал-лиф қаҳрамонларнинг лирик ке-чинмаларига алоҳида эътибор қилади. Мусаввиранинг «Богбон қиз», «Скрипкачи қиз» каби дур-дона асарлари ўзбек тасвирий санъати хазинасидан мустаҳкам жой олди. Шунингдек, Ш.Ҳаса-нова ўзбек тасвирий санъатида биринчилардан бўлиб, натюр-морт жанрига асос солди. Унинг «Копток гул», «Хитой чининиси», «Мевалар» каби натюр-

Ёнамо

мортларида акс этган тасвирлар халқимизга хос самимияти билан ажралиб туради. Айниқса, «Натюрморт» асарида оч қизғиш ранглар фонидо оппоқ кузги хризантемалар, пиёла, чинни идишлар, кичик аёл ҳайкалчаси, хатдон, мактуб майин ранглар-га йўрилган бўлиб, уларда зи-ёли аёл қалбининг ички ҳиссий кечинмаларини англаш мумкин.

Афсуски, Ш.Ҳасанованинг ул-кан ижодий изланишлари ўз вақтида эътироф этилмади. Ўтган асрнинг 50-йилларида бўлиб ўтган катта йиғинда Ўзе-бикстон рассомлар уюшмаси ра-исси, танқидчи рассом Виктор Уфимцев гарчи мусаввиранинг истеъдодини тан олиб, таъкид-лаб гапирса-да, унинг ўзбек шо-иралари туркум тарихий порт-ретларини танқид қилиб, ўтмишни идеаллаштиришда айблади. Бироқ бундай мафку-равий ҳаммалардан рассом чўчимади, аксинча ижодини дадил давом эттирди.

Хайриятки, мустақиллик ша-рофати билан Шамсрўй Ҳаса-нованинг издошлари — кўплаб аёл мусаввиралик етишиб чиқ-ди. Улар бугунги кунда давлат эътиборида, халқ нигоҳида. XX аср ўзбек тасвирий санъати ма-ликаси бўлган Шамсрўй Ҳаса-новани бир лаҳза ҳам эсдан чи-қарганларини йўқ. Мусаввира санъатидаги бадийят улар учун ўзига хос маҳорат мактабига айланган. Зеро, унинг рангтас-вирида, қаламчидаги расмлари-да чинакам шоирларга хос ҳаёт нафосатини, бедор қалб тугёнларини туйиш мумкин.

Нодир НОРМАТОВ

ИТАЛИЯ МАНЗАРАЛАРИ



Бадий академиянинг кўргазмалар залида истеъдодли рассом Дилшод Азизовнинг «Bella Italia» номли кўргаз-маси очилди. Рассомнинг ижодий са-фари натижасида яратилган этюдлар-даги манзаралар томошабинларни саёхатга чорласа, фотосуратларда акс этган лавҳалар орқали улар италияликларнинг ҳаёти билан яқиндан танишишлари мумкин. Шунингдек, италияликларнинг порт-ретлари, машҳур Қолизей тарихига бағишланган ишлари, айниқса, графича-када ишланган турли мавзудаги асар-лар кўпчиликка манзур бўлди.

Дилшод жуда кўп ноёб санъат наму-наларини таъмирлаш борасида катта ютуқларга эришган.

— Дилшоднинг ижодини кўпдан буён кузатиб келаман, — дейди рассом Хусан Содиков. — Кўргазмага қўйилган этюдларидан ҳам ҳали жуда катта асарлар яра-тиши мумкин. Энг му-рочи, бу асарлар меҳр билан чизилган, уларда ҳаёт бор. Бу балли ишларида кўплаб янги мавзуларни ўзига хос ранг-ларда акс эттирганига гувоҳ бўлдик.

С.КОСИМОВА
Алексей ПОПОВ олган сурат.

Нукусдаги И.Савицкий

номли Қорақалпоғистон давлат санъат музейини зиёрат қилувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Яқинда ушбу музейни Италиядан келган авто-карвон аъзолари томо-ша қилди. Ташриф Бухо-ронинг «Классик тур»

АВТОКАРВОН ҚОРАҚАЛПОҚ МУЗЕЙИДА

фирмаси ва Италиянинг La Strada фирмаси ҳам-корлигида ташкил этил-ди. 17 оила 17 та гилди-ракли уйларида айнан шу музейни кўриш ниятида узоқ йўл босиб Нукусга келди.

Италиялик меҳмонлар-га музейдаги экспонат-лар тарихи батафсил ҳикоя қилиб берилди. Оилавий саёхатчилар му-зейда тўпланган экспо-натларнинг ҳаммаси бил-ан танишиш истагини билдирдилар.

“Янги авлод – 2012”

Мамлакатимизда ёш истеъдодлар-нинг изланиш ва интилишларини кўллаб-қувватлашда «Ўзбекистон ма-данияти ва соҳилоти форуми» жамғар-маси, «Камолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Янги авлод» аънаввий болалар ижодиёти фе-стивали муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фестивалнинг Жиз-зах вилояти шаҳар ва туман босқичларида бу йил уч минг нафардан зиёд 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар иштирок этди. Уларнинг 500 нафардан ортиғи Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтган вилоят босқи-чида беллашди.

Мазкур босқичда қатнашчилар олти йўналиш бўйича ўз иқтидор ва маҳора-тини намоён этди. Ёшларнинг жаҳон ва миллий мусиқа асбоблари жўрли-гида ижро этган куй-қўшиқлари, бадий тасвир, амалий санъат асарларида акс этган ана Ватан манзаралари, турли образлар мувоҳассислар ва муҳли-ларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу аънаввий фестивал ёшларимиз учун катта имкониятлар оч-моқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда санъат таъли-

ми муассасалари бўлими бошлиғи Гулзода Бекбўтаева. — Болалар санъ-ат мактаблари, ижодиёт марказлари-нинг моддий-техник базасини мустах-камлашга берилётган юксак эътибор ёш истеъдодларнинг камол топишига хизмат қилаётир. Ушбу фестивал иш-тирокчиларини йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам ана шу ғамхўрлик натижасидир.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустах-камлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат да-стури тўғрисида»ги қарори асоси-да вилоятда бешта мусиқа ва санъ-ат мактаби янги бинога эга бўлди. Нафақат махсус санъат таълими муассасалари, балки барча умум-таълим мактабларида, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказ-ларида ҳам ёшларга санъат турла-ри билан шугулланиш учун кенг имкониятлар яратилгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Фестивал голиблари тadbирнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

Т.БЕКНАЗАРОВ

“ҚОВУН”

Зулфиқор Мусоқов ўзбек кино санъатининг кўзга кўринган, пешқа-дам режиссёрларидан бири. У сурат-га олган аксарият филмлар юртимиз-да чет эл кино мутахассислари ҳамда мухлислар эътирофига сазовор бўлган. Сўнги филмларидан бири — «Қўроғош» карти-наси Тошкентда ўтган «Олтин Гепард» халқаро фестивалнинг беш соврини билан тақдирланган эди.

Куни кеча Алишер Навоий номида-ги санъат саройида Зулфиқор Мусо-қовнинг янги — «Қовун» номли фил-мининг тақдироти бўлиб ўтди. Ко-ме-дий жанрида суратга олинган мазкур асарда америкалик тadbиркорнинг Ўзбекистонга келиб, бу ерда бошдан кечирган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Хар доимгидек бу филмда ҳам режиссёр уюшқор актёрлар ансамб-ли яратишга муваффақ бўлган. Tadbир-кор ролини актёр Сергей Шамсидди-нов ижро этган. Халқимизнинг севи-ми актёрлари Пўлат Саидқосимов, Ази-за Бегматова, Фотима Режамова, Фарход Абдуллаев, Тоҳир Мирвалиев ва бошқа актёрлар ижроси томошабин-ларда катта таассурот қолдирди.

Моҳира ОТАБОВА

"ҚўША ҚАРИГАНЛАР"



Бу асарни илк бор Наманган шаҳридаги "Кимёгарлар клуби"да — Фарҳона водийси расомларининг сара асарларидан ташкил этилган кўргазмада кўргандик. Ўшанда НамДУ "Тасвирий ва амалий санъат" кафедраси мудири, расом Алижон Турдалиевнинг бу асари кўпчилигининг диққатини тортганди.

Асар муаллифи Ахсида туғилиб ўсган. Бир неча йил мактабда тасвирий санъат ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Картинанинг биринчи нусхаси дастлаб ёш расомлар кўргазмасида намойиш қилинган. 1994 йили расом суратни қайта ишлаган. Шу йили "Наманган санъат фестивали" доирасида пойтахтимиздаги марказий кўргазмалар залида намойиш этилиб, ўзига хос композицияси билан муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган.

Суратда бир-бирига чирмашиб-қўшилиб ўсган дараклар тасвирланган. Дараклар олдида тиниқ ҳовуз, орқа фонда қишлоқ манзараси, осмонда эса оппоқ булутлар. Салобатли дараклар олдида ёш келин-куёв. Даракларнинг чирмашиши садоқат, келин-куёвлар эса муҳаббат, вафо рамзи. Икки ёш кучли ва садоқатли, "қўша қариган" даракларга ҳавас билан боқди. Худди шу даракларга бир-бирига суяниб, бир-бирини эъзозлаб, бахтли умр кечиришга ваъда бераётгандек тасаввур уйғотади.

Ушбу сурат ҳаёлотнинг эмас, ҳаётда кўрилган мавжуд манзара тасвиридир. Суратнинг яратилиш тарихи Тўрақўрғон туманидаги Бурматут қишлоғи билан боғлиқ. Расомнинг асосий ютуғи "Қўша қариганлар" деган ўзбекча лутфа монанд бетақдор композиция яратилганлигида.

Айтишларича, бир замонлар бурматутлик дехқон йигит не машаққатлар билан дийдорига эришган севикили ёрига атаб икки туп тут кўчатини бир-бирига чирмаб ерга қадабди. Кўчатлар чирмашиб ўсаверишди.

Дехқон эса кўп йиллар фарзанд кўрмай, охири ўғиллик бўлибди. Бола тўрт ёшга етиб, ота-онасининг ёнида чопқиллаб юрадиган бўлганда, онаси тўсатдан вафот этади. Айрилиққа чидай олмаган дехқон икки йилдан сўнг фаний дунёни тарк этади. Ўғил эса катта боғдаги қўштут ёнида ёлғиз қолиб, яхши инсонлар кўмагида вояга етди. Кўп йиллар қўштутга қараб садоқатли ота-онасини эслаб юради. Қўштут кейинчалик унинг ўртанча ўғли хонадонидида сақланиб қолади. Расом ана шу туғилган қўзатиб, бир неча хомаки суратлар ишлаган ва бадиий композиция яратган.

Асарнинг яратилишига расомни ота ўрнида тарбиялаб вояга етказган амакиси Саъдулла Турдалиев ва унинг аёли Меҳринисо аянинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатлари ҳам таъсир кўрсатган. Сурат беихтиёр ёзувчи Тоғай Муроднинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссасидаги Қоплонбек ва Момақиз ҳаётини эслатади.

А.Турдалиевнинг ушбу асарини муҳаббат ва оилага садоқат ҳақида кўшиқ, дейиш мумкин.

Алижон АЗИЗОВ,
Розия ПУЛТОВА

"ЎЗАС" галереяси



Дунё — кенг...

ДЕВҚОМАТ "ХОМО САПИЕНС"ЛАР

Бугун қор одам халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисмига айланган. Қўллаб халқларнинг афсона ва асотириларида бошқа улкан махлуқлар қатори танасини жун қоплаган йиртқишлар, девлар, дарахтда яшайдиган одамсимон маймун-орангутан ва бошқа шу кабилар тилга олинади.

Ривоятларда митти одамлар ҳам эсланади. Бу махлуқларнинг ҳаммаси ҳам неча минг ва миллионлаб йиллар бурун Ер юзасини ялангоёқ кезиб, ўзига хос ҳаёт кечирган бўлиши айтилган. Хатто баъзи бирлари бизга олис аждод бўлиши ҳам мумкин. Палеоантрополог (Ер геологик тарихининг қадимги даврлари бўйича мутахассис) олим А.Беловнинг фикрича, ҳозир ҳам Сибир ва бошқа ҳудудларда одамлардан пинҳон яшаётган, гоҳ-гоҳ узоқдан кўзга ташланиб ёхуд ўзидан қандайдир силри из қолдириб кетаётган икки оёқли номаълум жундор жонзотлар уларнинг издошлари бўлса ажаб эмас.

1935 йили голландиялик Ральф фон Кёнигсвальд Гонконгдаги дорихоналардан бирдан одамнинг тишига ўхшаш учинчи қуйи озиқ тиш сотиб олади. Агар ҳажмининг фавқулоддалигини айтмаса, бу тиш, эҳтимол, антрополог олимни у қадар қизиқтирмаган бўларди. Бу тиш одамнинг тишидан олти баробар катта эди! Кейинчалик Жанубий Хитойнинг карст (тош-туз, оҳактош) горларидан яна қўллаб тиш ва жағлар ҳам топилади, улар одамларнинг тиш ва жағдан 4-6 баробар катта эди (ҳозиргача минглаб шундай тишлар топилади).

Митти одамлар ҳам мавжуд бўлганига эса, антропологлар нисбатан яқинда, 2004 йили Индонезиянинг Флорес оролида паст бўйли одамсимонлар қолдиғи топиладиган ишонч ҳосил қилишди. Уларнинг бўйи бир метрдан ошмаган, боши эса йирик грейпфрутникидай. Африкада ҳам бўйи бир метрдан сал ошадиган, одамга ўхшаб юрадиган австралопитек мавжудлар бўлгани эндиликда фанга маълум. Австралопитеклар орасида ҳам салмоқдор катта паранторон учрайди. Улар ҳозирги одамларникидан ҳажми бир неча марта катта йирик озиқ тишли ва кучли жағли бўлишган. Бироқ "кирсиллоқ кўнғиз" деб аталган бундай салмоқдор австралопитекларнинг бўйи 180 сантиметрга етмаган.

Девқомат одамларнинг сайёрамиздаги ақлий фаолиятига доир қўллаб гувоҳликлар ҳам мавжуд. Қадимшунсо археологлар улкан иш қуролари — тош болталар, терини танадан ажратишда қўл келадиган кремнийдан ишланган ускуналар ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай иш қуроллари Жанубий Африкадаги Калахари саҳроси, Марокаш, Англия, Шимолий Американинг Огайо штати ва бошқа жойлардан топиладиган бўлиб, улар оддий одамнинг дастига сиймайди. Бу асбобларнинг ёши эса, 150-10 минг йилларни ташкил этади. Улардан девқомат одамлар фойдаланмаган бўлса, бошқа кимга ҳам зарурлиги бор эди?

1911 йили Американинг Невада штатидаги Лавлок гориди бўйи одамга ўхшаш ниҳоятда қоматдор мавжудотларнинг қолдиқлари топилиди. Уларнинг бир қисми мўмийланган бўлиб, сочлари малла ранг экан. Бўйлари эса 168-250 сантиметр атрофида.

Невада давлат тарих жамияти музейи ва Гумбольдт округининг у қадар катта бўлмаган музейида буйдор гигантларнинг сўяк қолдиқлари сақланади. Гумбольдт музейининг захира хоналарида тўртта бош сўяғи мавжуд бўлиб, улар тўлиқ эмас ва яхши сақланмаган. Тадқиқотчи С. Нильсон 2008 йили улардан бирини суратга олиб, қиёслаш учун одам тишларининг стоматологик моделини унинг ичига ўрнаштирди. Тишларнинг жойлашиши айнан бир эди. Бироқ уларнинг ҳажмида катта фарқ ажол кўзга ташланиб турибди. 1931 йили ўша гордан яна иккита скелет топилиди. Биттасининг бўйи 259 сантиметр бўлиб, қаучук билан ишланган матога ўралган экан. У худди қадимги Мисрдаги қаби мўмийлаш усулини эслатади. Иккинчисининг бўйи эса уч метр!

Бу маълумотлардан келиб чиқилса шу нарса аён бўладики, ўша жойда гигантлар яшаб ўтишган. Ҳозирги Калифорния ҳудудида яшовчи ҳинду қабилалари афсоналарида ҳам бу мавзу тилга олинган: ҳиндулар асрлар бўйи каннибал-девқоматлар билан урушиб келишган.

Ҳиндистон ва Покистоннинг шимолида, аниқланган илмий маълумотларга биноан, 6,3 млн. йил муқаддам одамларга ўхшаб кетадиган гигантопитеклар — бўйи уч метр ва вазни 400-500 киломи маймунлар яшаган. Бугунги кунда уларнинг учта тури маълум. Дарвинистларнинг таҳмин қилишича, гигантопитеклар эволюция натижасида африкалик приматлардан (антропологиядаги ҳозирги тасаввурга кўра, хомосапиенс айнан африкалик ўтмишдошларидан тарқатган) фарқли равишда одамга яқинлашиб келган. Бироқ уларнинг (вақт ўтиши билан маймунга ўхшаб қолган) тиш ва жағларини таҳлил қилиб кўриш бошқача ҳулосага олиб келди: гигантлар тадрижий равишда ривожланиб бормаган, балки таназул (деградация)га учраб, одамсимон маймунларга айланган. Айрим антропологлар бизнинг (одамларнинг) қадим гигант аجدодларимиз ҳозир ҳам атрофимизда яшаб юришибди, деб ҳисоблайдилар. Бу айнан "қор одам" бўлиши мумкин. Агар афсона ва ривоятларга таянмаса, баҳайбат-гигантлар деганда танасини жун қоплаган дев ва девқомат махлуқлар, алвастаи ва шу қаби фольклор намуналаридаги ёқимсиз қаҳрамонлар эсга тушади. Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Тибет ва Кавказ халқлари ривоятларида девлар горларда яшаб, болалар, қиз-жувонларни ўғирлашди, одамхўрлик ҳам қилади, дейиладди. Европа халқлари ривоятларида айтилишича эса, девқомат махлуқлар ботқоқлик, ўрмон чангалзорлари ва бошқа бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган ва улар ҳам болалар ва аёлларни ўғирлаб кетишаркан. Европаликлар ва девқоматлар ўртасидаги қарама-қаршилик муайян бир ҳудуд билан чегараланган бўлса-да, гигантларнинг қирилиб кетишига олиб келди.

"АиФ" нинг 41-сонидан.

"ФАРИДИДДИН АТТОР"

Алишер Навоий ва Жалолиддин Румийдек беназир ҳаётларга маънавий устозлик қилган Фаридиддин Атторнинг "Мантук тайр", "Асрорнома", "Панднома" каби асарларини кўпчилик яхши билди. Тарихдан маълумки, бу асарларнинг муаллифи, доврқили шоир Нишопурда дафн этилиб, қабр бошига оддийгина макбара қурилади. Аммо орадан бир фурсат ўтгандан сўнг макбара харобалашиб кетади. Ўн бешинчи асрга келганда эса Алишер Навоий бобомиз бундан хабар топиб, шу жойда бағоят кўркем, ҳайбатли макбара қурдилади. Бу буюк Шайх-римишнинг мутафаккир устоз

хотирасига бўлган бекиёс эҳтиромининг ёрқин ифодасидир.

Яқинда "Хилол-нашр" нашриёти шоирнинг ҳасби ҳоли, адабий мероси ва маънавий қарашлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Фаридиддин Аттор" номли бадиани нашрдан чиқарди.

Асарни Ҳабибуллоҳ Зайниддин Азизийнинг шу номдаги китобидан таржима қилган. Китоб беш бобдан иборат бўлиб, Атторнинг ҳаёти ва ижоди саҳифалари, асарлари, дунёқараши, олам ва инсон ҳақидаги ҳамда ахлоқий ва маърифий қарашлари ҳақида содда тилда ҳикоя қилади.

Асар мумтоз адабиёт ва маънавий меросимиз билан қизикқан барча китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамыз.

"АЁЛЛАР НИМА ДЕЙДИ?"

Беозор ҳазил киши кўнглини ҳам хушнуд этади, ҳам турмушдан бир сабоқ беради. Ҳажвия қамчилик ёки нуқсонга ишора қилиш билан бирга, уларни туза-тиш лозимлигини ҳам ўқтиради. Шу маънода адабиётнинг киноя, ҳажвия, пародия каби жанрларининг ижтимоий ҳаётга, бадииятга тозатирувчи таъсири ҳаммаша долзарб саналиб келинган.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун "Тафаккур бўстони" нашриётида чоп этилган шоир Фармон Тошевнинг "Аёллар нима дейди?" деб номланган ҳажвий шеърлар, пародиялар тўпламидаги биргина "Мамат чўпон хангомаси" туркумини ёки пародияларни ўқининг ўзи қифоя.

"Афандиёул Мамат чўпоннинг лақмали-гию кўнгли бўшлиғи ўқувчида енгил кулги

кўзгаш билан бир пайтда уни атроф-теваракка хушёр боқишга — "аёллар нима дейишадиганидан" огоҳ бўлишга чорлайди. Енгил йўл билан бойишни мўлжаллаган анойи чўпоннинг "тадбири" баёнига ҳам шундай маъно-мазмун сингдирилган. Ёки муаллифнинг пародияларида жўнроқ чиққан шеърлар танқиди ҳам аёвсиз, ҳам самимий юмор билан сугорилгани боис юкумли. Тўпламдаги "Соч ҳақида ким қандай ёзиши мумкин?" сарлавҳали туркумда шоирнинг қаламга олган ўхшамалари қуйиб қўйгандек "аслият" оҳангига, интонацияларига, нутқ маромига айнан мос. Бу ҳазил шеърлар ҳам самимий ва беозор кулгуга йўғрилган.

"Аёллар нима дейди?" тўпламига жамланган ҳазил шеърларни ўқиб кайфиятингиз кўтарилади, турмушга, адабиётга муносабатингиз янада тийрақлашади.

Тўпламга Машарипбой Сапаров муҳаррирлик қилган.

Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий курашнинг барча кўтага кенг ёйилмоқда ва жадал ривожланмоқда. Катталар ва аёллар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Буюк Британия мезбонлик қилган бу галги чемпионатда 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар илк маротаба жаҳон чемпионлиги учун курашди.

Кураш халқаро ассоциациясидан хабар беришларича, ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда барча рақибларини мағлубиятга учратган ўзбекистонлик

ЁШ ПОЛВОНЛАР — ИЛК ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

лик Жаҳонгир Норқобилов, Шерзод Бобомуродов, Темур Мерганов, франциялик Алексис Никол, Саша Фламент, грециялик Миман Илиадис, қизлар мусобақасида мўғулистонлик Мунжаргал, Хитой Тайпейи вакиласи Чиа Ю Лин каби курашчилар ўсмирлар ўртасида биринчи жаҳон чемпиони бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари яна олти кумуш ва тўрт бронза медалга сазовор бўлди.

1993-1995 йилларда туғилган курашчилар гиламга чиққан ёшлар ўртасидаги VII жаҳон чемпионатида энг кўп олтин медал ўзбекистон полвонларига насиб этди. Мамлакатимизда камол топаётган курашчилардан Абдурахмон Абдуллаев, Умид Эсонов, Бехзод Дўстқулов, Ҳасан Назаров, Жалолиддин Шерназаров шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Терма жамоамиз аъзоларидан беш нафари кумуш, икки нафари бронза медалга жамгарди. Яна бир олтин медал мўғулистонлик Пуревбатар Гонгорга насиб этди.

Қизлар мусобақасида ҳамюртимиз София Эломановага энг келадигани топиладди. Умидли спортчимиз финалда мезбонлар вакиласи Элеонор Риджни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Одина Авезова бронза медал билан қифояланди.

Жаҳон биринчилигининг улкан муваффақият билан ўтгани дунё мамлакатларида болалар ўртасида ҳам кураш жадал омалашаётганидан далолатдир.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib Uzbekistan" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзархив" агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ҳафталикнинг очилишида сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар, хорижий давлатлар кутубхоналарининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Ҳўжамбердиев, маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Ҳўжаев, Ўзбекистон халқ артисти Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодининг билими ва дунёқарашини кенгайтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг муҳташам биносидида бошланган "Infolib Uzbekistan" миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини кўзланган асосий мақсад ҳам ўқувчи-ёшларнинг китоб-

хонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологияларига оид билим ва қўникмаларини янада бойитиш, мазкур маърифат масканида китобхонлар учун яратилган барча имконият ва қулайликлардан ҳамюртларимизни бохабар этишдан иборатдир.



Ҳафталик "Очиқ эшиклар куни", "Танловлар куни", "Ижодий кун", "Қизиқарли учрашувлар куни", "Мутахассислар куни" каби муайян мавзуларга бағишланади. Улар доирасида кутубхонага экскурсиялар, давра суҳбатлари, маърифий акциялар, кўргазмалар, маърифат даргоҳи видеотекасидаги фильмлар намойиши ўтказилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, машҳур ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, режиссёрлар, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштиро-

кида учрашувлар ўтказилади.

Ижодий кўрик-танловлар, викториналар, маҳорат сабоқлари ўғил-қизларнинг адабиёт, музыка, ахборот-коммуникация технологиялари, тасвирий санъат борасидаги билимини янада бойитиш, истеъдодини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини беради. "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг амалиётга жорий этилиши ва соҳадаги долзарб вазифалар, "Келахатқа интилаётган кутубхона" мавзусидаги давра суҳбатлари, конференциялар ахборот-кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага илгор технологияларни жадал жорий этиш, илгор иш тажрибасини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай замонавий маърифат саройи ҳар қандай инсоннинг ҳайратини ошириб, ҳавасини келтиради, — дейди Беларус Республикаси миллий кутубхонаси директори Роман Матульски. — Кўркем ва маҳобатли бу бино сўлим Тошкентда янада чирой бахш этган. Бу ерда китобхонларнинг зарур адабиётларни тез фурсатда топиши, улардан фойдаланиши учун барча қулайликлар яратилган.

Бу мамлакатимизда ёшлар истиқбол, уларнинг таълим-тарбияси йўлида давлат томонидан кўрсатилаётган улкан меҳр-эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг биринчи куни янги адабиётлар ярмаркаси, китоблар кўргазмалари, "Фойдаланувчилар сари бир қадам" мавзусидаги конференция, "Буюртма — 2013" маърифий акцияси бўлиб ўтди.

Назакат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Норқобил Жалилга турмуш ўртоғи

Анорхон ХУДОЙБЕРДИЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти жамоаси "Тиллар ва адабиёт" кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди Нелия Туговага онаси Тамара БЕЛАЛУТДИНОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилмиз: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ



Тасхиритига келган қўғамалар тасхиритида ва муаллифларга қайтарилмайдиган.
Муаллифлар факри тасхиритида нусхалар назардан фарқлаштириш мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси басмаохонаси.
Басмаохона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41 ўй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4291 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНААРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН
ISSN 2161-614X
9 772161 614000